

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Ўшқшқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 28-iyul, №30 (1019)

Бош прокуратурада

Назорат

Ярим йил якунлари муҳокамаси

Жорий йилнинг 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти раҳбарияти, марказий маҳкама ходимлари, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2016 йилнинг 1-ярмидаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Хусусан, қонунлар ижроси устидан назорат, шунингдек барча ислохотлар, шу жумладан, давлат дастурлари ижросини ташкил этиш борасидаги тадбирлар натижасида 81 588 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 61 217 та шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Прокурор текширишлари ва дастлабки тергов давомида айбдор шахслардан жами 429,4 млрд. сўмлик зарар ундирилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлигини сақлаш, бандлигини таъминлаш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, тўлов ва солиқ интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунийлик талабларининг аниқ ва сўзсиз ижро этилиши, шу жумладан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши устидан алоҳида назорат олиб борилди.

Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизимли равишда амалга оширилди.

Бу йўналишдаги қонунлар мазмун-моҳиятини бевосита ижрочилар ва кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида 12 802 та тарғибот тадбирла-

ри ўтказилди, 2970 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ҳамда мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 1101 тасининг фаолияти тикланди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш, уларни диний экстремизм фояларидан асраш мақсадида 7 082 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди, эрта турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида кенг қамровли тадбирлар олиб борилди.

Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш мақсадида идоралараро ҳамкорлик кучайтирилиб, тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда профилактик тадбирларнинг сифатини ошириш чоралари қўрилди.

Судларда жиноят, фуқаролик ишлари ва ҳўжалик низолари кўрилишида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси устидан назорат борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни шакллантириш орқали аниқланган тизимли қонунбузилишни бартараф этишга қаратилган фаолият кучайтирилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари натижалари, қонунийлик ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида ишлаб чиқилган ҳамда Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ асосида Олий Мажлисга киритилган 4 та қонун лойиҳалари қабул қилинди.

Шунингдек, ҳуқуқ нормала-

Алишер МИРЗОЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

рини субъектив тарзда, танлов асосида ва ўзбошимчалик билан талқин қилиш ҳолатлари га йўл қўймаслик мақсадида фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш борасидаги ишлар жадаллаштирилди.

Прокуратура органлари фаолиятининг ошқоралигини ҳамда жамоатчилик назоратини таъминлаш борасида прокурорлар томонидан халқ депутатлари тегишли Кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийлик аҳоли ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида 454 та ахборотлар берилди.

Йиғилишда жорий йилнинг 6 ойи давомида прокуратура ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти органлари фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликлар кескин танқид қилиниб, бунга йўл қўйган вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда департамент раҳбарияти ва ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг тушунтиришлари эшитилди.

Мажлисда прокурор назорати тадбирларида қонунбузилишининг асл сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона амалиётни шакллантириш, шу жумладан, қонунчиликни такомиллаштириш ва прокурор назорати амалиётининг сифати ва таъсирчанлигини оширишнинг барча чораларини қўриш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, мажлисда "Суицид ҳолатлари юзасидан терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказишининг хусусиятлари", "Жиноят ишини юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари" номли услубий қўлланмалар лойиҳалари тасдиқланди, шунингдек "Фош этилмаган қотиллик жиноятларини тергов қилишининг ўзига хос хусусиятлари ва услубий" номли ўқув-услубий фильмдан амалиётда фойдаланиш тавсия этилди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган чорак аср мобайнида мисли қўрилмаган тараққиёт йўлини босиб ўтди. Фуқаролар муносиб ҳаёт кечирishiларини таъминлашда эзгу мақсадни қўлаб амалга оширилаётган ислохотлар мобайнида иқтисодиёти тез суръатларда ривожланаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг мустақкам асослари яратилди.

Қонунийлик — Жамият кўзгуси

Истиқлол йилларида қабул қилинаётган, такомиллаштирилаётган қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари билан яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитида иқтисодиёт жадал ривожланмоқда. Ялли ички маҳсулот ҳажми йилига 8-8,5 фоизга ўсмоқда. Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра Ўзбекистон сўнгги йиллардаги ривожланиш суръатлари ва иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. Иқтисодиёт ривожланиши баробарида фуқаролар турмуши фаровон бўлиб бормоқда.

Қонунларга итоат одатий ҳолга айланмоқда. Қонунийликни таъминлаш, тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар халқорамқадас эътиборга эгилмоқда. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда АҚШ-да фаолият кўрсатаётган Гэллуп институти — ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат этиш индекси" мавзусида 2015 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра бизнинг мамлакатимиз сўровнома ўтказилган 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини мамнуният билан қайд этилди. Жамият кўзгуси — қонунийликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифаларини белгилаб берди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш борасида мунтазам равишда иш олиб борилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси изчиллик билан таҳлил қилинмоқда. Мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларига нисбатан протест келтирилиб, бекор қилинапти, қонунга мувофиқлаштириляпти. Тақдирномалар киритилиб, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шаро-

Музаффар АБДУРАХМАНОВ,
Фаргона вилоят прокурори

итлар бартараф этилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу йўналишда ўтказилган таҳлилларнинг натижалари бўйича 4203 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 1792 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Аниқланган моддий зарарнинг 186,3 млн. сўми ихтиёрий ундирилди таъминлиниб, 1,8 млрд. сўми ундириш юзасидан судларга 1144 та даъво аризалари киритилди.

Меҳнат ва бандлик масалаларини ҳал этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган дастурлар асосида янги иш ўринлари яратилаяпти. Бу йил вилоятда 93 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш манзилли дастури ишлаб чиқилган. Расмий маълумотларга кўра, ўтган ярим йил мобайнида янги иш ўринлари яратиш режаси 102 фоизга бажарилган. Бандлик марказларида рўйхатга олинган иш изловчиларнинг 15278 нафари ишга жойлаштирилган. Шунингдек, ишсиз сифатида рўйхатга олинган аёлларнинг 7065 нафари иш билан таъминланган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Битирувчиларнинг 57298 нафари билан амалиётни ўтаган корхона ва ташкилотларда ишга жойлаштириш бўйича тўрт томонлама шартномалар тўзилиши таъминланди. Шу жумладан, прокурорлар кўмагида касб-хунар коллежларида ўтказилган ихтисослаштирилган ярмаркаларда 15575 нафар битирувчиларнинг амалиёт ўтайдиган корхоналар, муассасаларда иш бошлашлари кўзда тутилган тўрт томонлама шартномалар имзоланди. Шаҳар ва туманларда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашган, йўлланмалар берилган фуқароларнинг 1171 нафари, шу жумладан, 279 нафар коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди.

(Давоми 3-бетда)

Устувор вазифалар муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан 2016 йилнинг 1-ярмида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида қонунийликни мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар, келгусидаги вазифаларни белгилаш, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуроли Кучлар қўмондонликлари иштирок этди.

Шундан сўнг, 2016 йилнинг 1-ярми давомида Қуроли Кучларда қонунийликнинг аҳоли, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг асосий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Ислом Каримовнинг Қуроли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси кўриб чиқилди. Хусусан, Қуроли Кучлар Ҳарбий қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлиги, уларнинг юз бериши мумкин бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарларни, чегараларимиз дахлсизлигини ва фуқароларимизнинг тинчлигини бузишга қаратилган уринишларни ўз вақтида самарали бартараф этиш қобилиятини мунтазам ошириб бориш, Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда қурол-яроғ ва жанговар техникалар сақлиниши ҳамда аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий ва маънавий шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, Ҳарбий хизматчиларни ўй-жой билан таъминлаш, Ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларга энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар-

Юнус МУТАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокуратураси бўлим бошлиғи

ни янада такомиллаштириш масалалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўтган даврда Ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга доир ишларни такомиллаштириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва янги қабул қилинган қонунларни шахсий таркибга ва оила аъзоларига етказиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида сўз юритилди.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари, МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари сўзга чиқиб, қўшинларда қонунийликни таъминлаш, Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика ишлари самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маърузалар қилишди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Шухрат Узаков очиб, Юртбошимиз томонидан Қуроли Кучлар олдига қўйилган вазифалар, уларни ижро этиш юзасидан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, Қуроли Кучларнинг жанговар шайлиги ва мудофаа салоҳиятини юксалтиришга қаратилган саяёҳаракатлар, Ҳарбий хизматчиларга муносиб ва хавфсиз хизмат шарт-шароитларини яратиш, уларнинг ҳамда оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш каби масалалар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди.

Дунёда юз бераётган моҳоролар ва беқарор сиёсий вазиятдан тўғри хулоса чиқариб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етиш, Ватан тақдирини дахлдорлик ҳисси билан ҳар сонияда огоҳ

бўлиб яшаш, тинчлигимизни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Муҳтарам Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида айна дамда "Гўзал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзига муҳассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Йиғилишда Президентимизнинг ушбу қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар, шу билан бирга, огоҳлик ва ҳушёрликни янада ошириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасида келгусидаги вазифалар ва амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар таъкидлаб ўтилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Самарқанд вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят раҳбарлари иштирок этган мазкур йиғилишда жорий йилнинг олти ойида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг, шунингдек, диний экстремизм билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғриси-

да"ги Қонунининг ижроси ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Тадбирда жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар натижасида вилоятда жиноятларнинг сезиларли камайганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, баъзи туманларда жиноятларнинг айрим турлари ошганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, йиғилишда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жойлардаги давлат бошқаруви идоралари ва қатор жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ёшларнинг таълим-тарбиясини тако-

Хондамир МАРДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари

миллаштириш, одам савдоси ва ёт оқимларга қарши курашиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш, уларнинг муурожаатлари билан ишлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбир давомида муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилиш якунида камчиликларни бартараф этиш ва соҳа фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш, турли жиноят ва иллатларнинг олдини олишда бандлик муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам прокуратура органлари томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Меҳнат ярмаркаси


Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Hиқид»

Хоразм вилоятида бандлик дастури асосида 2016 йилнинг биринчи ярмида 28181 та янги иш ўринлари яратилган. Хусусан, мақсадли дастурларга мувофиқ, 8923 та, тижорат банклари кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратиладиган кредитлари ҳисобига 6194 та, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 3381 та, ўй меҳнатининг барча шакллари ҳисобига 5070 та, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожланти-

Меҳнат бозорига 8453 нафар ишсиз жалб қилиниб, уларнинг 1076 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилган.

Яқинда вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Урганч шаҳридаги Жалолидин Манғуберди мажмуасида

навбатдаги "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ташкил қилинди. Унда вилоятдаги 765 та корхона ва ташкилотлар ўзларидан мавжуд 4103 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркага 2145 нафар ишсиз фуқаро ва касб-хунар коллежлари



риш ҳисобига эса 4613 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вилоят меҳнат бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, йилнинг ўтган даврида 7771 нафар фуқаро иш сўраб муурожаат қилган. Улардан 7090 нафари ишга жойлаштирилган, 245 нафар ишсиз фуқаро янги касбга ўқитишга юборилган.

Таъкидлаш жоизки, бандлик масалаларини ҳал этишда мунтазам равишда ўтказилган келинаётган меҳнат ярмаркалари муҳим ўрин тутди. Йилнинг биринчи ярмида 34 та меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниб, уларда 2458 та корхона 13530 та бўш иш ўринлари билан қатнашган.

битирувчилари жалб қилинди. Иштирокчилардан 143 нафарига доимий ишга кириш учун йўлланмалар, 493 нафарига эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, вилоят тижорат банклари томонидан 53 нафар битирувчига ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун 1 млрд. 865 млн. сўм миқдорида 9 фоизли имтиёзли кредит сертификатлари топирилди. Шунингдек, "Менин бизнес ғоям" танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган 5 нафар битирувчи 46 млн. сўм миқдорида 6 фоизли имтиёзли кредит маблағлари ажратиш тўғрисида сертификатларга эга бўлди.

Эгри йўлнинг ниҳояси

Айни вақтда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмоқچисиз, банкдан кредит олмақчисиз, ҳатто хорижга бориб замонавий технология олиб келмоқчисиз, марҳамат, Сиз учун барча йўللар очик. Мабоало, асосиз тўсиқлар, турли ғов ва муаммоларга дучор бўсангиз, тегишли органлар ҳуқуқ ва манфаатларингизни муҳофаза қилишга тайёр.

Нуриддин ЖўРАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар
бошқармаси бўлим катта суриштирувчиси

нинг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузади. Пул кўчириш йўли билан сотиб олинган жами 222 млн. 114 минг сўмлик қурилиш махсулотларини нақд пулга сотади. Савдодан тушган пуллари эса назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, банкка ҳам топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузади. Унинг фаолияти текширилганда қилмишлари фож бўлди.

Оқибатда халол-пок йўللар қолиб, қалтис ишларга киришиб кетган Ж.Аминовга суд ҳукми билан ойлук иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил-у олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Хулоса шунки, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётганлар давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлару ғамхўрликлардан тўғри фойдаланишлари даркор. Шунда фаолиятларида кут-барака бўлади. Акс ҳолда, Ж.Аминов каби қонун олдидидаги жавобгарликка гирифтор бўладилар.

Ана шундай эмин-эркин иш юритишга барча имкон бўлгандан кейин эгри йўлга қадам қўйишга не ҳолат?

Аммо Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтиб, "Jenisbek Globalist" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилган Жомбой Аминов (исм-фамилияси ўзгартирилган) соҳага бўлган эътибору ғамхўрликларини ҳис эта билмади. Оқибатда амалдаги қонунларга чап бериб, ризқини нопок йўللардан излади.

У тадбиркор сифатида фаолият бошлагач, қурилиш моллари савдоси билан шуғуллана бошлади. Тез орада иши юришиб, МЧЖ ҳисоб рақамида миллионлар айлана бошлади. Узининг рўзғорига ҳам барака кирди. Лекин у нафсига эрк берди. Қонунларимизни четлаб ўта бошлади. Ж.Аминов Узининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан Вазирлар Маҳкамаси-

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Айни чоғда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топшида қийналадиган, меҳнат бозориде тенг шартларда рақобатлашишга қодир бўлмаган 4711 нафар ногиронлар, жазодан озод этилганлар корхона ва ташкилотлардаги алоҳида банд этилган заҳира иш ўринларида иш бошладилар.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросининг таҳлилларида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ишчи комиссиясига жорий йилнинг биринчи чорагида 9 та тadbirkorлик субъектларида ва битта умумтаълим мактабиде 182 та янги иш ўринлари яратилган ҳақида сохта маълумотлар киритган, қалбақлаштирилган ҳужжатларни тақдим этган Дан-

Ислохотлар аҳолининг кам таъминланган қатламлари ижтимоий ҳимояга олинган ҳолда амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида кўп болали, муҳтож оилаларга 14 ёшгача фарзандлари таъминоти учун 11,2 млрд. сўм, икки ёшгача боласини парваришлаган, ишламайдиган оналарга 31,5 млрд. сўм нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга 3 млрд сўм моддий ёрдам пуллари тўланган. Нафақа ва моддий ёрдам борасидаги мурожаатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз вақтида қўриб чиқилиб, ҳал этилишини ўрганиш мобайнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди. 470 дан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Хусусан, Бағдод туманидаги Ойдинбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Аҳмедов ва котиби А.Юлчиев нафақа тайинлаш ҳақидаги 11 та

ғона туман прокуратуралари томонидан жами 11 та ҳолатда ноқонуний текширишлар ўтказилгани аниқланиб, маъмурий жавобгарликка доир ишлар судга юборилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Ягона дарча" марказларида ўтказилган текширишларда аниқланган марказ фаолиятини ташкил этиш, навбат кутишни бошқаришнинг электрон тизимини қўллаш, давлат хизматлари тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш, муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш, дастурий таъминотни йўлга қўйиш билан боғлиқ, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат хизмати кўрсатиш жараёнидаги қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди.

Тadbirkorлар билан бевоқиф мурожаатларда уларнинг муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ариза ёзган тadbirkorларнинг фаолиятини тўхтатиш ёки туга-

батан мажбурий ижро ҳаракатлари ўтказиш мобайнида тегишли қонун талаблари бузилгани аниқланиб, ижрочи-нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилди ҳамда мажбурий ижро ҳаракатларини ўтказиш ҳақидаги қарор бекор қилиниши ва Б.Ахунвога тегишли мол-мулклар қайтариб берилиши таъминланди.

Риштон туман прокуратураси томонидан Амиробод қишлоғида яшовчи Х.Боқиевнинг мурожаати ўрганилиб, вилоят ўсимликларни ҳимоя

"Саломатлик поездлари" ташкил этилиб, юқори малака тайибёт ходимлари чекка туман ва қишлоқларда оналар ва болалар, вояга етмаганларни тиббий қўриқдан ўтказишмоқда. Соғлом турмуш тарзига қаратилган тарғибот тadbirkorлари ташкил этилмоқда. Хусусан, Бешарик, Фурқат, Олтиариқ ва Ёзёвон туманларидаги энг чекка қишлоқларда 7840 нафардан зиёд хомилдор ва ёш аёллар тиббий қўриқдан ўтказилиб, зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилган. Кам таъминланган



Қонунийлик —

ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

гара туман Бандликка қўмаклашиш маркази, Фурқат туман қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи битирувчилари номига тadbirkor сифатида иш бошлашлари учун 3 млн. ва 10 млн. сўмдан, жами 45 млн. сўм миқдориде ажратилган кредитларни банк қоровули Т.Пайғамовга ва бошқа фуқароларга бериб юборган "Халқ банки" туман бўлими мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

"Нурли замин Хонобод", "Арипов Аброржон Қодиржонович" хусусий корхоналари, "Фар Сотволдибек" фермер ҳўжалигида жами 28 та иш ўринлари яратилганини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмагани ҳолда, ҳисоботларга киритган Ёзёвон тумани Бандликка қўмаклашиш маркази инспекторлари Ш.Турдиев ва О.Файзуллаевлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан иш ҳақи тўловларидаги зулишлар бартараф этилмоқда. Хусусан, "Бағдод агротехсервис" МЧЖ, "Сувоқава" Давлат унитар корхонасининг Фурқат туман филиали, "Кува дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти ишчи-ходимларининг иш ҳақларини ундириш ҳақида фуқаролик судларига даъво аризалари киритилди. Таҳлиллар асосида қўрилган чора-тadbirkorлар натижасида 15 та корхона томонидан 3,8 млрд. сўм иш ҳақлари тўлаб берилиши таъминланди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган қўшма фармойишга асосан тузилган гуруҳлар томонидан ҳоиларда нақд пул тушумини ўрганилиб, иш ҳақи, нафақалар ўз вақтида тўланишига амалий ёрдам берилмоқда. Иш ҳақи, пенсия тўловлари борасидаги муаммоларни ҳал этиш воситаларидан бири — нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими тобора омаллашиб бормоқда. Тижорат банклари томонидан 1 млн. 659 мингдан зиёд пластик карталар муомаласга чиқарилди. Нафақат коммунал тўловларни амалга ошириш, балки кийим-кечак, озиқ-овқат, рўзгор буюмларини харид қилишда ҳам пластик карталар орқали ҳисоб-китоб қилиш одатий ҳолга айланди.

мурожаатни рўйхатга олмадан, текшириш қўнига қадар қўриб чиқилишини таъминламай, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зиён етказишган. Айнан ушбу даврда даромадлари белгиланган мезондан юқори бўлган уч нафар фуқарога эса асоссиз нафақа тайинланиши натижасида 2 млн. сўмдан зиёд бюджет маблағ мақсадсиз сарфланган. Туман прокуратураси ўтказган текшириш мобайнида даромадлари белгиланган мезонларга мувофиқ бўлган 9 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, нафақа тайинланиши таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, бевоқиф прокуратура органлари томонидан ижтимоий ҳимояга оид 395 та мурожаат қўриб чиқилиб, 200 таси қаноатлантирилди. 366 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, ўз вақтида тўланмаган 132 млн. сўм ижтимоий тўловлар ундириб берилди.

Тadbirkorликни қўллаб-қувватлашга қаратилган, тақомиллаштирилаётган қўнулар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик кенг қўлч ёйиши учун қўлай имконият ва шарт-шароитларни ҳавола этмоқда. Тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тadbirkorлар натижасида Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўналишида юқори кўрсаткичларга эришган 10 та давлатдан бири деб топилгани эътиборга молик.

Тadbirkorликни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, қўлай шарт-шароитлар яратиш, тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид қонун ва қонунности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида тизимли иш олиб борилмоқда. Тadbirkorлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлар ҳамда ноқонуний текширишларнинг олди олинмоқда. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар қўриляпти. Хусусан, Қувасой ва Фарғона шаҳар, Фурқат ва Фар-

тиш сабаблари аниқланаяпти. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда уларнинг фаолиятини қайта тиклаш чоралари қўриляпти. Вилоят прокуратурасининг амалий ёрдами билан жорий йилнинг олти ойи мобайнида 32 та тadbirkorлик субъектининг фаолиятини қайта тикланди, 77 та иш ўрни йўқолишининг олди олинди. Фаолият тикланган Марғилон шаҳридаги "Марғилон Файзулло Файз" хусусий корхонаси, Риштон туманидаги "Рошидон мебель" оилавий корхонаси шулар жумласидандир.

Тadbirkorларнинг, фуқароларнинг прокуратура органларига мурожаатлари "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун асосида қўриб чиқилмоқда. Хар битта мурожаат диққат билан ўрганиляпти, қонуний ҳал этиляпти.

Хусусан, вилоят прокуратурасига фуқаро Ш.Хидиралиевнинг Фарғона шаҳар, Маданият кўчасидаги 108 квадрат метр ер майдонига Архитектура ва қурилиш бошқармаси ҳужжатларини расмийлаштириб бермаётгани ҳақидаги мурожаати қўриб чиқилиб, лойиҳа-қидириш ташкилотининг ижобий ҳулосаси олинди ҳамда шаҳар ҳокимининг қарори билан ушбу майдон енгил типдаги музқаймоқ ва салқилантирувчи ичимликлар дўкони қуриш учун тadbirkorга ажратиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Фарғона шаҳрида яшовчи О.Ашуровнинг корхонасига тегишли бўлган бино-иншоотларнинг 2-3 қаватларини қуришга рухсат ололмаётгани тўғрисидаги мурожаати ўрганилиб, қурилиш учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, шаҳар ҳокимининг қарори билан дорихона ва савдо дўкони қуриш учун рухсат берилди.

Марғилон шаҳар прокуратураси томонидан фуқаро Х.Ахунвановнинг шаҳар суд-ижро бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси асосида ўтказилган текширишда суд ижрочиси У.Дадабоев томонидан фуқаро Б.Ахунвога нис-

қилиш марказидан унинг 2 млн. 522 минг сўм иш ҳақини ундириш хусусида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга ариза киритилди. Шунингдек, аризалари ўрганилгач, фуқаро М.Хатамова, Х.Султонова, Д.Болтабоеваларга Тошғалик, Қўрғочна, Тўраобод МФЙ томонидан тайинланиб, тўланмай қолган нафақа пуллари ундириб берилди.

Мурожаатларга лоқайд муносабатда бўлган, қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини таъминлашдан иборат хизмат бурчини адо этмаган мансабдор шахслар ва ходимларга қонуний чоралар қўриш билан бирга, мутасадди идоралар томонидан уларда тилга олинган масалаларнинг ҳал этилиши таъминланаяпти.

Соғлиқни сақлашга оид қонунчилик таҳлилларида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, мансабдор шахслар ва ходимлар маъсулиятини кучайтиришга қаратилган чора-тadbirkorлар натижасида касалликка чалинишнинг олдини олишга қаратилган соғломлаштириш-профилактика ишлари яхшиланди. Юқумли касалликларга, гиёҳвандликка чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада камайишига эришилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши ўрганиб борилмоқда. 11 та бўлим ва 81 та банддан иборат ҳудудий дастурда 616,7 млрд. сўм ва 15,5 млн. АКШ доллар миқдориде тadbirkorлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, 15 та чекка ҳудудларда гўзаллик салонлари, модлар ательеси, электр-маиший жиҳозларни таъмирлайдиган устaxonалардан иборат маиший хизмат комплексларини барпо этишга киришилди. Айни чоғда 3 та намунавий маиший хизмат комплекслари фойдаланишига топширилиб, 39 та янги иш ўринлари яратилди.


оилаларга ҳамда хомилдор аёллар ва болаларга бюджет ҳисобидан ва хомийлар томонидан 488 млн. сўмлик доридармон ва гигиени воситалар топширилган. Тиббий қўриқда турли касалликлар аниқланган вояга етмаганлар соғломлаштирилган.

Болалар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, янги спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Фарғона шаҳри таълим муассасаларида болаларни, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига жалб этиш борасида олиб борилган ишлар натижасида эътиборга молик ютуқларга эришилганини қайд этиш лозим. Хусусан, Фарғона Олимпия захиралари коллежининг ўқувчи-ёшлари республика ва халқаро мусобақаларда 238 та олтин, қумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган. Медаллар сони ўқувчилар сонига нисбатан 41 фоиздан иборатлиги таҳсинга лойиқ. ўқувчи-ёшлар нафақат спорт соҳасида, балки турли фанлар бўйича республика ва халқаро олимпиадаларда ҳам юксак иқтидорларни намойи қилишмоқда.

Бирок, айрим туманларда болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тошлоқ туманида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг бор-йўғи 730 нафар ёки 3,3 фоизи, ўқувчи қизларнинг эса атиги 0,8 фоизи спорт машғулотларига жалб этилган, ҳолос. Туман прокуратураси томонидан ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этишга қаратилган назорат ҳужжатлари қўлланилди.

Мамлакатимизда ҳар томонлама барқамол ахлоқий тарбиялаб вояга етказиш учун ҳавас қилдиган шарт-шароитлар яратилаяпти. ўқувчи-ёшлар мактаб ва коллежларда касб-кор билан бирга ҳуқуқий билимларнинг асосларини пухта эгаллаб, катта ҳаётга қадам қўйишмоқда. Истиклол билан тенгдош иқтидорли ёшлар қонун устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантиришда фаол иштирок этишмоқда.

Бугунги кунга келиб коррупция нафақат бир мамлакат, балки жаҳон миқёсида ҳам ташвиш уйғотмоқда. Шу маънода коррупцияга қарши курашиш халқаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларидан бирига айланиб қолди.



Халқаро ҳамкорлик ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Заҳид ХАТАМОВ,
Бош прокуратура бўлим бошиги ўринбосари

Бу иллатга қарши курашишда давлат органлари ва миллий ташкилотлар билан бир қаторда айнан коррупцияга қарши кураш муаммосига ихтисослашган бир неча халқаро ташкилотлар ҳам фаолият юритмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД), Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (GRECO), шунингдек БМТ, Жаҳон банки, Европа иттифоқи тузилмалари шулар жумласидандир. Мазкур институтларнинг пайдо бўлиши аъзо мамлакатларда коррупция даражасини баҳолашнинг янги кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва эскиларини тизимлаштириш, коррупцияни келтириб чиқаришга сабаб бўладиган аниқ омиллар таъсирини ўрганиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашнинг самарали механизмларини яратиш учун таъсиялар ишлаб чиқишда шитирок этиш эҳтиёжидан келиб чиққан.

Жаҳонда коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналишларидан бири жиний даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ҳисобланади. Мазкур жиноятга қарши курашувчи ташкилотлар орасида Жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ) алоҳида ўрин эгаллайди. ФАТФ 1989 йил июль ойида "Катта этилик" давлатлари томонидан жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек ноқонуний молиявий операцияларнинг олдини олиш соҳасида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. 2012 йилнинг февраль ойида ФАТФ томонидан молиявий институтлар ва қонунийлик тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифларни ўз ичига олган ҳамда бугунги куннинг талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилган — "Жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича таъсиялар" ишлаб чиқилди ва барча манфаатдор давлатларга тақдим қилинди. Мазкур таъсиялар жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда мамлакатларнинг ҳамкорликдаги ишлари самарадорлигини оширишга, ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

ФАТФнинг тамойиллари ва ушбу соҳада амалга ошираётган ишлари халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш вазифаси баҳарлигида муҳим аҳамият касб этади. ФАТФ ўз таъсияларида жиний даромадларни легаллаштиришга ва молиявий жиноятларга қарши курашишнинг халқаро стандартларини белгилаб берган ва ушбу таъсиялар давлатлар томонидан миллий қонунийликка қай тарзда татбиқ қилинишини кузатиб боради. Мазкур ҳужжатларга ташкилот доирасида назорат ва тартибга солиш органлари ҳамда молиявий институтлар вакиллари фаолият кўрсатади. Улар молиявий тизимлардаги мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, жумладан, коррупцияга олиб келувчи ҳолатларни ўрганиб борадилар.

Мазкур трансмиллий жиноятга қарши курашнинг стратегик йўналишларидан бири ушбу курашга фуқаролик жамиятини жалб этишдир. Коррупцияга қарши курашда давлатдан мустақил ҳолда фаолият юритувчи, эркин оммавий ахборот воситалари жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Улар жамиятнинг огоҳликка чакиради, шунингдек, коррупциянинг аянчилик оқибатлари жамият ҳаётининг барча бўғинида намоеён бўлишини кўрсатиб беради.

БМТнинг мазкур масалага доир ҳужжатларида давлат механизмнинг бутун фаолиятини ҳуқуқ устуворлигига асосланган ҳолда шаффофлик, жамиятнинг баҳардор этиш ҳамда жамият олдига масъуллиқ принципларига асосланиб кураш таъсия этилади. Шунингдек, БМТ ҳужжатларида коррупционерларга қарши жазо чораларини кучайтиришдан кўра, коррупция ҳақида огоҳликни оширишга ургу берилди. Шу асосда, аввало, жиний эмас, балки давлат ва маъмурий ҳуқуқни ривожлантириш зарур. Коррупция ҳақида огоҳлантириш фуқаролик, ҳўжалик, молиявий, солиқ ва банк ҳуқуқининг юксалиши билан боғлиқдир.

БМТ ташкилотлари жаҳон мамлакатларида коррупцияга қарши кураш бўйича ихтисослашган органлар ташкил этиш тақлифини катий илгари суради. Мазкур таъсиялар асосида коррупцияга қарши муштаклий миллий комиссия парламент томонидан ташкил этилиши лозимлиги таъкидланган. Унга коррупцияга қарши миллий сиёсат ва коррупцияга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда мувофиқлаштириш ва бошқа коррупцияга қарши курашувчи органлар фаолиятини назорат қилиш вазифалари юксалиди.

Ислоҳотлар янада самара бермоқда

Юртимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, энг аввало, халқимиз, мамлакатимиз фаровонлигига, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. 2016 йилнинг 25 апрелида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни моҳияти ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилган.

Миродилжон БОРОТОВ,
Бош прокуратуранинг
ОУК катта ўқувчиси

6) турар жойнинг бутунлиги ва сақланиши таъминланмаганлиги, бунинг оқибатида турар жойнинг бузилишига ва унга учинчи шахсларнинг кириши учун уринишларига йўл қўйилганлиги.

Эгасиз турар жойларни аниқлаш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар шахарлар (туманлар)да ташкил этилган Турар жой фонди сақланиши мониторинги бўйича комиссия томонидан амалга оширилади. Эгасиз турар жойлар мазкур комиссия томонидан ҳисобга қўйилади ва ҳисобга қўйилган кундан бошлаб уч йиллик муддат тугагандан сўнг шахар (туман) ҳокимлиги томонидан турар жойнинг эгасиз турар жой деб эътироф этиш ва давлат мулкига ўтган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилинади. Турар жой суд қарори асосида эгасиз деб топилади ва давлат мулкига ўтказилади.

Эгасиз деб топилган турар жой яшаш учун яроқсиз деб топилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Уйларни ва турар жойларни уй-жой фондида чиқариш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида уй-жой фондида чиқарилади.

2016 йил 25 апрелдаги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг ФК "Уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасининг шакли" деб номланган 626-модда билан тўлдирилди. Мазкур модданинг киритилиши билан текин фойдаланиш билан боғлиқ шартномавий муносабатларда ҳуқуқдаги бўлишқ тўлдирилди.

Унга кўра, уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади, бундан уй-жойни яқин қариндошларга (ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) текин фойдаланишга бериш ҳоллари бундан мустасно. Эндиликда фуқаролар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши шартлиги белгиланди.

Уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасига нисбатан ФКнинг уй-жой ихараси шартномасига оид қондалари қўлланилиши белгиланди. Унга кўра, шартномада уй-жойни текин фойдаланишга олувчи билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар кўрсатилиши лозим. Муҳими, уй-жойдан текин фойдаланувчи уй-жойдан фақат унинг вазифаси бўйича фойдаланиши, уй-жойнинг сақланишини таъминлаши ва уни яхши ҳолатда тутиши шарт. Уй-жойдан текин фойдаланувчи текин фойдаланишга берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта куришга ва тузилишини ўзгаришига ҳақли эмас.

Қонун 26 моддадан иборат бўлиб, унга кўра 24 та қонунга, жумладан, 7 та кодекс, 17 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслик шартлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқирисидида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Шу маънода ҳавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, товарлар ва хизматлар ҳаракатда бўлишини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг (ФК) 191-моддасига кўра, эгаси бўлмаган ёки эгаси номалум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади.

ФК бўйича эгасиз ашёга нисбатан мулк ҳуқуқини кўлга киритишда устулик мазкур ашёларни эгаллаб олган шахсга берилади. Эндиликда эгасиз ашё уни топган, эгаллаб турган шахсга ўтиши ва унинг мулк ҳисобланиши мумкин. Шу боис фуқаролар ҳам мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида ушбу эгасиз ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқини кўлга киритиш ҳуқуқига эгадирлар. ФКга кўра, эгасиз ашё бугунги кунда йўлга тушуна бўлиб, ўз таркибига эгасиз кўчмас ашёлар билан биргаликда топилма, қаровсиз ҳайвонлар ҳамда хазинани ҳам қамраб олади.

ФКга кўра, эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органнинг аризасига мувофиқ, кўчмас мол-мулкнинг давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Юқорида тилга олинган қонун билан Ўзбекистон Республикасининг ФКнинг 191-моддасига киритилган ўзгаришларга кўра, эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олингандан кейин эндиликда аввалгидек уч йил эмас, балки бир йил муддат ўтган, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколатли бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига киритган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин. Дарҳақиқат, уч йиллик муддат эгасиз ашёнинг юридик тақдирини белгилаш юзасидан кўп эди. Қонун яратувчи ҳавфсизлик ва мустаҳкам барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан нафақат тор дерадаги хусусий манфаат, бал-

ки омманинг — жамият ва давлатнинг манфаатларидан, бу борадаги ривожланган давлатлар тажрибасида қўлланиб келинаётган самарали амалиётдан келиб чиқиб мазкур ўзгаришларни киритди десак, муболаға бўлмайд.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгалигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида кўлга киритилиши мумкин.

ФКнинг 191-моддасига мувофиқ, эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги қарори билан "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Унга кўра, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида — белгиланган тартибда эгасиз деб эътироф этилган мол-мулк давлат даромадига ўтказилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2006 йил 21 январдаги қарори билан тасдиқланган "Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, эгаси бўлмаган ёки эгаси номалум бўлган турар жойлар эгасиз турар жой деб эътироф этилади. Эгасиз турар жой деб эътироф этилган турар жойлар суд қарори асосида давлат мулкига ўтказилади.

Низомда турар жойни эгасиз турар жой деб эътироф этиш ва уни давлат мулкига ўтказишнинг бир неча асослари кўрсатиб ўтилган. Дастлаб эгасизлиги тахмин қилинаётган турар жойнинг эгаси ёки унинг вакилини аниқлаш чора-тадбирлари қўрилади ва турар жой эгаси ёки унинг вакили аниқланмаган тақдирда шахар (туман) ҳокимликларининг аризалари билан турар жой ва кўчмас мулкларга нисбатан ҳуқуқлар ва битимлар давлат рўйхатидан ўтказиш органларида ҳисобга қўйилади.

Узоқ вақт (6 ойдан кўпроқ) мобайнида бўш турган, яъни ушбу турар жойда қонуний асосларда ашайдиганлар бўлмаганда, бунинг натижасида у ерда қуйидаги ҳолатлар вужудга келганда турар жой эгасиз ва ҳисобга қўйилган турар жой деб ҳисобланади:

а) бўш турган ушбу давр учун коммунал хизматлар ҳақи ва турар жойни сақлаш учун харажатлар бўйича қарзларнинг мавжудлиги;

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келтириб чиқарган жиддий муаммоларга қарамай, ўтган йили республикада иқтисодиётнинг барқарор суруятларда ривожланиши кузатилади. Шу билан бирга, дунё бозорларида тутилган ўрнимиз мустақамланиб, аҳолининг турмуш даражаси кундан-кунга юксалиб бормоқда.

«Уддабурон» хотамтойлар

Воҳиджон ТОШПҲАЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
бўлим катта сурштирувчиси

Янгиликлар ва ўзгаришлар, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жағмармаси, Жаҳон банки, Осий тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътибор эътибор эътибори кувонарлидир.

Бу каби ютуқлар юртимизда банк-молия тизими барқарор ва ишончли фаолият юритаётганидан далolat беради. 2010 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 30 дан ошди. Бинобарин, эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадга етишишимизда банк тизимида олиб борилётган ислохотлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банкларининг ўрни бекиёс. Ишлаб чиқаришми, хизмат кўрсатиш ёки савдо тармоғи бўладими, уларнинг фаолияти бевосита банклар билан боғлиқ.

Шундай бўлса-да, ўз нафсининг йўлида ўзларига берилган ваколатларни суистеъмол қилаётган банк ходимлари ҳам учраб турибдики, бу соҳа эгаларининг жиноий қилмишлари Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ходимлари томонидан фош этилиб, кескин чоралар кўриб келинмоқда.

Жумладан, департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ва бошқа мутасадди органлар ходимлари билан ҳамкорликда банклардан бирининг ҳудудий филиалида ўтказилган текширишда собиқ бошқарувчи Убай Ниёзматов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) банк ходимлари Махлиё Жиянова, Насибали Тоғаев ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, жиноий гуруҳ аъзоси Н.Тоғаевнинг турмуш ўртоғи Х.Тоғаевнинг номидаги маъсулият чекланган жамиятга кредит маблағларини бериш мақсадида Х.Тоғаевнинг номидан барча ҳужжатларни қалбақиллаштириди. Сўнгра сохта имзолар қўйиб, йиллик 18 фоиз устамга тўлаш шарт билан "айланма маблағни тўндириш" мақсадида 1 йил муддатга 70 млн. сўм миқдорда кредит маблағи олиб, ушбу кредит маблағини ўз эътиёжлари учун ишлатиб юборади.

Убай Ниёзматов яна бир банк ходими Ойбек Беков билан ўзаро келишиб, 400 млн. сўм кредит маблағи ажратилган Қизилтепа туманидаги жамиятдан ушбу кредит маблағини ундириш чораларини кўрмаслиги оқибатида, банк манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлади.

Яна бир ҳолатда эса банк ходими Насибали Тоғаевнинг синглиси О.Носированинг номидан қалбақи имзоларни қўйиб, 10 млн. сўм кредит маблағи ажратилишига эришди ва ҳар доимидек ушбу маблағлар ҳам жиноий гуруҳ аъзолари томонидан ўзаро талон-торож қилинади.

Бу кимсалар жиноятга жазо муқаррар эканини унутиб қўйишган чоғи. Қилмишлари уларни қора курси сари етаклади ва суд ҳукмига асосан уларга тегишли жазо тайинланди.

Баъзида инсон ўзи билибми ёки билмайми, жиноят кўчасига кириб қолади-ю, кейин бир умр аттанг қилиб яшайди. Айримлар эса қилаётган иши ноқонуний эканини била туриб ҳам, қайта-қайта шу ишга қўл урверали. Қачонки боши тошга теккач, у тавба қилар! Бироқ бечасма ўтган умри энди ортга қайтар-микан?!

Уйчилик Носир Аббосов ва Даврон Усмонов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ҳам қилмишлари жиноятдан бошқа нарса эмаслигини жуда яхши билишарди. Боиси, аҳоли орасида деярли ҳар куни Қирғизистон Республикасида яширин йўллар орқали юртимизга товар олиб ўтиш ва уни сотиш амалдаги қонунчилигимизга зид экани ҳақидаги тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Носир билан Давронни ҳам бундан бехабар, дея олмаймиз. Бироқ улар қонунларимизни четга суришти, ўзаро тил бириктирган ҳолда Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни яширин йўллар орқали юртимизга олиб келиб сотишга келишиди.

Аслида ҳаммаси Носир Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудда мол боқиб юрган палладан бошланди.

Носир молни сойда сўғориш учун борди-ю, нариги қирғоққа қўй боқиб юрган қирғиз йигити билан танишиб қолди. Ҳозир "Бексултон" деб таништираган бу йигит уч-тўрт кунлик мулоқотлари жараёнида Носирга антиқа шў тарқатди.

— Майли, десангиз, мен сизга Қирғизистондан арзон нархда товар етказиб бериб тураман. Бир амалда уни чегарадан олиб ўтиб олсангиз, яхшигина фойда кўрасиз...

Носир бу гапни эшитиб, бироз иккиланган турди. Ахир "юк"ни чегара-

Мустақиллик йилларида барпо этилган раён йўллар, обод ва фаровон гўшалар барчага хушайфган бахш этади. Йилдан-йилга раёнлашиб, олис манзилларни яқин қилаётган йўл қурилиши соҳасидаги улкан бунёдкорлик ишлари киши ҳайратига ҳайрат қўшади.

Ғаразғўй йўлсозлар

Дарҳақиқат, мамлакатимизда иқтисодиёт ривожига алоҳида аҳамиятга молик бўлган автомобиль йўллари қурилишига катта эътибор қаратилиб, ана шу мақсадда ҳар йили давлатнинг неча юз миллиард сўм маблағи сарфланмоқда. Афсуски, жойларда соҳанинг айрим мутасаддилари — йўлсозлик корхоналари раҳбарлари ана шу маблағни ўлаштиришдан ўзларини тия олишмаяпти. Хусусан, Бухоро йўл-кўприк хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасига 2013 йилда раҳбар этиб тайинланган Жамшид Барноев (исм-фамилиялар ўзгаририлган) кўп ўтмай Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жағмармаси бўлим мутахассиси Абдулла Чўлиев билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Йўл қурилишининг ўзига хос технологияси бор. Лекин икки мансабдор йўл қурилишининг эмас, кингирликнинг ўзига хос технологияси бўйича устаси фаранг эканлар.

Хуллас, корхона 2014 йил давомида "Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши" автомобиль йўлининг маълум бир қисмида йўлсозлик лойиҳаси бўйича реконструкция ишларини олиб бориши белгиланади. Қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди, лекин уларнинг бажарган ишлари ўлчов таразидан ўтказилганида, бу шахсларнинг қилмишлари фош бўлди. Улар ҳақиқатда бажарилган ишларни ошириб кўрсатиб, тўловга тақдим қилинган маълумотларни сохталаштирадilar. Натихада эса бюджетнинг 900 млн. 735 миң сўм маблағлари растрата йўли билан талон-торож қилинади.

Текширишларда шунингдек, Бухоро йўл-кўприк хўжалиги пудрат

Фойда оламан деб...



дан олиб ўтишнинг ўзи бўладими?!

Унинг ўйлаб турганини кўрган Бексултон ўзича далда берган бўлди.

— Э, нимга ўйланасиз? "Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда?" дейишган, укам... Сиз таваққалига ишни бошла-лайверинг, соққа кўмилиб кетганингизда ўзингиз менга раҳмат айтасиз!

Носир яна бироз ўйлаб турди-да, кейин "таваққал", дея қўл силтаб, Бексултоннинг таклифига розилик берди. — Унда кечкурун кўнғироқлашамиз, — мамнун қулиб қўйди Бексултон. — Мен юкни чегара яқинига олиб келиб, сизга хабар бераман. Сиз ҳозирданок ҳаракатингизни қилиб, машинаси бор шерик топинг... Ҳа, айтганча, шерингиз оғзига маҳкам бўлсин...

Носир "тушундим" дегандек бош иргаб, ортга қайтди.

У молни уйига ташлаб, тўғри тачини Давронни излаб кетди.

— Иккимиз учун ҳам зўр фойда қоладиган иш гаплашиб келдим..., — дея суянчилади шериги билан сазомлашши асносида. — Қирғизистондан "юк" олиб ўтиб, бу ерда пуллайдиган бўлдик.

Даврон ҳам бу ишга розилик билдирди.

Кечкурун Носирнинг уяли телефо-

Эмиль МУРТАЗИН,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Уйчи туман бўлими бошлиғи

ни жиринглади. "Юк" Уйчи туманидаги Қирғизистон билан чегарадош ҳудудга келгани маълум қилинди. Ўз навбатида Носир ҳам жиноий шериги Давронни бу "янгилик"дан бехабар этди.

Улар Давроннинг дадасига тегишли "Дамас" автомашинасида айтилган манзилга етиб боришганида, Бексултон уларга 23 млн. 980 миң сўмлик 5995 қўти "WINSTON" номили Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотларини топширди. Икковони тамаки маҳсулотларини "Дамас"га юклаши-да, ортиқча гап-сўзсиз ортларига қайтишди.

Йигитларнинг нияти бировнинг назари тушмасидан тезроқ чегара яқинидан "жуфтани жазо тайинлади", эртаси куни акция маркази бу тамаки маҳсулотларини юртимиз бозорига қайта сотиб, мўмай даромад олиш эди. Бироқ улар ўйлагандек бўлиб қичмади. Чегара пости ҳарбийлари ҳудудга шубҳали автомашина ҳаракатланаётганини кўриб, таъбиқ этишга тушишди. Бундан хавотирга тушган Носир ва Даврон машинадан тушиб, қочиб қолишди.

Эртаси куни ҳаммасига ойдинлик киритилди. Машинанинг эгаси ҳам топилди, айбдорлар ҳам.

Суд Н.Аббосов ва Д.Усмоновга нисбатан тегишли жазо тайинлади. "Жиноят қуроли", деб топилган "Дамас" эса давлат фойдасига ўтказилди. Ана шу тарихи озгина даромад топиш илжинида боридан айрилган "савдогар"ларнинг фаолиятига нуқта қўйилди.

Чақалоқни сотмоқчи бўлишди

Умидбек САЙИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Хива туман бўлими бошлиғи

Халқимизда иймонини сотган, деган ибора бор. Бу виждонига қулқ солмайдиган, мўмай даромад илжини қилган қандай қилмишдан торт тартибидан кимсаларга нисбатан ишлатилади.

Қўшқўприк Хўсиплошша опа (исм-фамилиялар ўзгаририлган) уч кам олтиш ёшда. Етти фарзанднинг онаси. Шундай аёл одам савдосига қўл уради деса, ким ишонди. Афсуски, шу ёшда киши инсофини йўқотса, ўзини ва яқинларини оғир аҳволга солиши тайин.

Оила кўрмасдан ҳомилдор бўлиб қолган Фарида исми қариндоши "кўпни кўргансиз, ёрдам беринг", дея Хўсиплошша онани йўқлаб келади. Опа эса вазиятдан фойдаланиб қолиш мақсадида хали туғилмаган чақалоқни даромад манбаига айлантириш режасини тузади. У Худойберди, Розия ва Шердор исми шахслар билан гаплашиб, уларга чақалоқни 1000 АҚШ доллари сотишга келишади. Олдиндан "300 АҚШ доллари берасизлар. Онасига яхши қарайман, боланинг соғлом туғилишини кафолатлайман. Қолган пулни бола туғилганидан кейин бериб, чақалоқни олиб кетаверасизлар", деб ваъда беради. Бироқ нафс гирдобига шўнғиган Хўсиплошша синглиси Нодиранинг "Зўр харидор топдим, 2000 АҚШ доллари олишади", деган гапи билан аввалги харидорларга берган ваъдасини унутди.

Чақалоқ ўғил туғилди. Янги харидорлар келишилганидек, 2000 АҚШ долларини олиб келишди. Хўсиплошша опа уялмай, виждони қийналмай уни қўртдек санаб олди. Бироқ, энди кеч эди.

Янги туғилган чақалоқни 2000 АҚШ доллари сотган Х.Абдуқаримова ва синглиси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан воқеа жойида қўлга олинди. Уларга нисбатан суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Тўрт нафсга «даво» бўлмаган дори



Бугунги кунда дори воситаларининг сифатини таъминлаш муҳим тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммо бўлиб, уларнинг яратилишидан то бевосита истеъмолчига етиб боришгача бўлган ҳамма босқичларда турли омиллар мажмуини ҳисобга олиш зарур. Ишлаб чиқарувчи корхоналар, даволаш-профилактика муассасалари, дори воситалари билан улгуржи ва чакана савдо қилувчи ташкилотлар дори воситалари сифатини таъминлашда муҳим ўрин эгаллашларини замон талаб этмоқда. Яъни улар томонидан сотувга чиқарилаётган дори-дармонлар сифатли, самарали ва безарар бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда барча соҳалар қатори фармацевтика соҳаси ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йилларида мазкур тизимнинг ҳуқуқий базаси янада такомиллаштирилди. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кўплаб конун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилди. Уларга мувофиқ, мамлакатимизда сифатсиз ва қалбаки дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш қатъий тақиқланди. Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги ҳавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган фармацевтика маҳсулотларини сотиш мақсадига ишлаб чиқариш, сақлаш, ўтказиш учун жавобгарлик белгиланди.

Афсуски, мазкур тартибларга бўйсунмасдан дори-дармон воситаларини қалбақлаштириб, сотувга чиқариётган кимсалар орамизда ҳамон учраб турибди.

Мисол учун, фуқаро Шуҳрат Йўлдошев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бошчилигида Отабек Узбеков, Ёркинжон Аминов ва Ислон Фуломовдан иборат жиноий гуруҳ тузилади. Уларнинг мақсади юртимизда қалбаки дори воситаларини сотувга чиқариб, ноқонуний даромад орттириш эди. Улар пойтахтимиздаги дорихоналардан "Пиридоксин" (витамин В-6) номи дориларни сотиб олишади. Мазкур дори ампулаларидаги ёзувлар ўчирилади. Шундан сўнг, худди шу дорининг ампуласига қўлбола махсус ускуна ёрдамида "Иммуномодулин" номи туширилади.

Ушбу икки дори воситасининг қўлланилишига қисқача тўхтайдиган бўлсак, "Пиридоксин" (витамин В-6) дориси инсон танасини қувватлантирувчи восита ҳисобланади. Уни шифокорлар одам иммунитетини ошириш учун тавсия қиладилар. "Иммуномодулин" дори воситаси эса ўта оғир касалдан сўнг қайта тикланаётган организм учун қўлланилади. Яъни оғир хасталикни бошдан кечирган инсонларга ушбу дори қўлланилса, соғайиш тезлашади. Касални енгиши осонлашади. Мазкур дориларнинг қисқача таърифидан билиш мумкинки, уларнинг одамларга нисбатан қўлланили-

ши турлича. Демак, бу дорилар бирининг иккинчиси ўрнига қўлланиши оғир оқибатларга олиб келади.

Хуллас, жиноий гуруҳ аъзолари вазифаларни ўзаро тақсимлаб олишади. Унга кўра, Ш.Йўлдошев дорихоналардан "Пиридоксин" (витамин В-6) дориларини сотиб олади ва ундаги ҳақиқий ёзувларни ўчириб, ампулаларга "Иммуномодулин" номини тушириб чиқади. О.Узбеков ушбу қалбаки дориларга харидор топиб, уларни ҳақиқий дори воситаси сифатида сотади. Ё.Аминов қалбаки дориларни тайёрлашда Ш.Йўлдошевга кўмаклашади. Ампулалардаги ёзувларни ўчириш учун турли махсус ускуна ҳамда қайта сохта номларни киритиш учун бўёқлар келтириб бериб туради. И.Фуломов эса ўзининг кичик босмахонасида қалбаки дориларнинг нусдаларига ёпиштириш учун ёрликлар ҳамда уни қўллаш йўриқномаларини etkazиб туради. Жиноий гуруҳ томонидан ушбу дори воситаси учун сохта сертификат ҳам тайёрланади.

Хуллас, 2014 йилнинг февраль ойидан 2015 йилнинг ноябрь ойига қадар жиноий гуруҳ аъзолари томонидан 13 минг 210 қўти "Пиридоксин" (витамин В-6) дорисидан "Иммуномодулин" номи туширилиб, қалбаки сертификат асосида республикамизнинг турли вилоятларида сотиб юборилади. Қабих қилмиш ортидан топилган 220 млн. 270 минг сўм пуллар эса ушбу кимсалар ўртасида ўзаро тақсимланади.

Ноқонуний қилмиш фож этилмасдан қолмайди. СВОЖДЛҚК департаменти томонидан ўтказилган тадбирда уларнинг қилмишларига чек қўйилди. Суд фуқароларимиз соғлигига бепасанд бўлган бу кимсаларга нисбатан ўз ҳужмини эълон қилди. Унга кўра, Ш.Йўлдошев ҳамда О.Узбеков ўн йил муддатга, Ё.Аминов эса олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. И.Фуломовнинг ҳам қилмишига яраша жазо тайинланди.

Маълумки, ҳар қандай қалбаки дори воситалари инсон саломатлигига хиддий зарар etkazadi. Айниқса, уларни оғир бемор истеъмол қилганда, ўлимга олиб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам, дори сотиб олаётганин-

Илҳомжон ЛАТИБОВ,
Бош прокуратура
хузуридаги СВОЖДЛҚК
департаменти бўлим бошлиғи

гизда уларнинг ёрликланишига, жиҳозланишига ҳамда ташқи кўринишига эътиборли бўлишингиз талаб этилади. Боиси, қалбаки дори воситаларининг айнан ушбу жиҳатлари кўзга яққол ташланади.

"Жиҳозлаш" кўрсаткичи бўйича қуйидаги белгилар билан фарқланади. Бунда дори қутисининг нотекис елимланганлигини пайқаш мумкин, "ишлатиш бўйича йўриқнома"лар қутилаларга аксарият ҳолда нотекис жойлаштирилмади.

"Ёрликланиши" бўйича қалбақлаштирилган дори воситаларининг асл нусхалардан фарқланадиган белгилари қуйидагилардир. Кўп ҳолларда ёрликларнинг ксеронусха бўлиши, штрих-кодлари, ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи, қайд этиш рақами бўлмаслиги, ёзувларнинг ноаниқ ва нотекис бўлиши, айрим ҳолларда қўлланиш йўриқномасида грамматик хатоликлар ҳам учрайди ёки айрим ҳарфлари ностандарт тарзда босилган бўлади.

"Ташқи кўриниши" бўйича қарайдиган бўлсак, дорининг шакли ва ранги ҳақиқийсидан фарқ қилади. Таблеткаларнинг ўзгариши турли доғлар бўлади. Ампулаларда эса ностандартлик кузатилади. Эътибор бериб қаралса, таблеткалар турли ўлчамларда бўлади. Ампуладаги суюқ дорилар эса бир хил тўлдирилмайди. Ёзувларидаги фарқни ҳам яққол сезиш мумкин. Шунингдек, ёрликлари нотекис елимланади.

Қалбаки дориларнинг миқдорий таҳлили ҳамда бошқа кўрсаткичларини эса фақат мутахассисларгина асл нусхадан фарқлай оладилар. Чунки улар махсус аналитикларнинг айрим кўрсаткичлар билан фарқланадилар.

Хулоса қиладиган бўлсак, дори воситаларини фақатгина қонуний ва ишончли манбалардан сотиб олиш даркор. Дори қутисидagi ишлаб чиқарувчининг номи, манзили ҳамда телефон рақамлари борлигини ҳам текшириш.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари ҳам қалбаки дори воситаларига қарши курашга ўз хиссаларини қўшишлари керак. Дори воситаларини тавсия этувчи шифокорлар баъзи бир дорилар ишлатилганда даволанишнинг самарасиз кечишига алоҳида аҳамият беришлари зарур. Чунки бу дорилар қалбаки бўлиши мумкин. Қалбаки, деб тахмин қилинган дори воситалари ҳақида эса унинг сифатини назорат қилувчи миллий органларга хабар қилишлари, ўзлари ҳам мануаллар олиб, экспертиза ўтказишлари керак.

Шунингдек, дори воситаларининг қалбақлаштирилишини бартараф этиш каби муҳим ва ижтимоий аҳамиятга эга муаммонинг ижобий ҳал этилишида фармацевтика бозорига фаолият олиб бораётган турли ташкилотлар ва дорихоналарнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Улар республикамизда қалбаки ҳамда истеъмолга яроқсиз дорилардан воситаларини сотиш ва ўтказиш қонун бўйича жавобгарликни келтириб чиқаришини унутмасликлари талаб этилади.

Ҳар қандай жамият ва мамлакат ўз демократик тараққиёти жараёнида инсон ва унинг манфаатларини ошқора тан олади, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тасвиқлашга интилади. Амалий ҳаёт эса барча дастурларни, кўрсатмаларни "тахрир қилади", ўзининг ёзилган ва ёзилмаган қонунларини рўёбга чиқариб боради. Тарихда адолатли жамият қуришга интилишлар жуда кўп бўлган.

Миллий қадриятларимизни эъзозлайлик

Гулида ЭГАМБЕРДИЕВА,
Анджон давлат университети катта ўқитувчиси

Ўзбекистонда давлатчилик тизими ҳам адолатли жамият қуришга қаратилган. Дунёда одамлар миллати, кўриниши ёки жинсига қараб турли-туман бўлганидек, давлатлар ҳам мамлакат тарихи, миллат тақдири, маданияти, анъаналари, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий даражасига қараб ҳар хил бўлади.

Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистонда барпо этилаётган давлат, энг аввало, жаҳон цивилизацияси, бошқа халқларнинг ижобий ва ижодий тажрибалари, умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолда, адолатпарварлик ва маърифатпарварлик билан суғорилган миллий давлатчилик анъаналарига асосланмоқда.

Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларда халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари ўз аксини топтоми зарур. Чунки Шарқ халқлари тақдирида демократик ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари мавжуд. Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилик негизларига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди.

Мамлакатнинг олдида турган мақсадни таъкидлар экан, Президентимиз Ислон Каримов шундай дейди: "Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак". Бундан қўзланган асосий мақсад — Ўзбекистонда ўзига хос ва мос бўлган демократик тараққиёт йўлида ривожланаётган бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатларни ҳамда умумий томонларини аниқлашдир.

Жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири маънавий жиҳатдан мукамил ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий ўйғониш гоёсини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга etkazишдир. Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида муҳассам этмоғи лозим.

Яқин ўтмишдаги узоқ вақт давом этган кучли мафкуравий таъйиққа қарамай, Ўзбекистон халқининг авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлигининг сабаби ҳам руҳида, қалбда доимий равишда умумбашарий қадриятларга содиқ бўлганлигидир. "Биз, — деб таъкидлайди Ислон Каримов, — маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликини англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчаммаларига, унинг илдизлига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз". Шунингдек, Юртбошимиз: "Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намён бўлади", дея фикр билдиради. Негаки, миллий қадриятлар нафақат мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири, балки демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий манбаи ҳамдир.

Марказий Осиё халқларининг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб оғир синовларни бошдан кечирган.

Шу ўринда тарихга назар ташлаб, Амир Темурнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш лозим. Амир Темурнинг "Куч-қудрат, иқтидор — адл — инсофда", деган гоёсини келтириб ўтиш ўринли. Яъни Соҳибқироннинг: "Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бошқардим", деган фикри умуминсоний демократик ва миллий қадриятлар ташуунчасининг ижтимоий ва фалсафий илдинини ташкил этади. Яъни бирин, бирон-бир жамият одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболни тасаввур эта олмайди.

/Давоми 8-бетда/

Истиқлол ва ёшлар



Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huuq»

Мустақиллик, фаровонлик, тинчлик сўзлари ободликка уйғун тушунчалардир. Зеро, қайси юрт тинч-осуда, халқи мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш имконига эга, ҳаёти фаровон бўлса, мамлакат кундан-кунга чиroy очиб, ободонашиб бораверади. Бу фикр тасдиғини Наманган вилоятида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ватанимиз мустақилликка эришган кезларда ўз истиқлолини қўлга киритган қўшни давлатларнинг тараққиёт йўлига назар солсак, Ўзбекистимиз ҳар жабҳада юқори суръатлар билан ривожланаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Айрим мамлакатларда нотинчлик, таҳликали ва сурунли воқеалар юз бериб турган бир пайтда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлиқ, аҳил-иноқлик муҳити, халқимиз кечираётган обод ва фаровон турмуш замирида, шубҳасиз, Президентимиз олиб бораётган оқилона ва одилона сиёсат, юксак самарали саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Юртбошимизнинг келажакида Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етуқ фарзандлари билан ҳам жаҳонда ўз ўрнини эгаллаши лозим, деган фикрларини такрор-такрор мушоҳада қиламиз.

Дарҳақиқат, республикамизда истиқлол йилларида барча соҳалар қатори таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, фарзандларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмай камол топишлари учун барча имконият ва шароитларни яратиб давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айни шу мақсадда «Таълим тўғрисида» ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг минтақавий давоми — Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурининг қабул қилиниши тўғрисида юртимизнинг энг чек ҳудудларида ҳам замонавий таълим муассасалари қад ростлади.

Бугун Ватанимизнинг қайси гўшасига борманг, бири-бирдан мухташам таълим масканларига кўзимиз тушади, у ердаги қўлай шароитларни кўриб беихтиёр қалбимиз гурурга тўлади. Кўркам синф хоналари, ўқув ва лингафон, лаборатория, информатика хоналари жаҳон таълим стандартларига тўлиқ жавоб беради. Уйил-қизларимиз мазкур даргоҳларда фаннинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлишяпти. Айниқса, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг изчил татбиқ этиб борилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг ёрқин самарасидир.

Муҳими, таълимдаги ислохлар қизгин давом этмоқда. Хар йили республикамиз бўйича бир неча юзлаб ўқув даргоҳлари тубдан янгиланмоқда. Мазкур таълим муассасалари ўқув, лаборатория, компьютер ҳамда мультимедиа воситалари билан тўлиқ таъминланаётди. Бундай кенг қўламли ўзгаришлар нафақат юртдошларимиз, балки хориқлик мутахассис ва экспертлар томонидан ҳам эътибор тилияпти. Айниқса, отаналарнинг қувончини сўз билан ifodalала бўлмайдди. Боиси, уларнинг аксарияти шароитлардан деярли беназир мактабларда сабоқ чиқарган бўлиб, бугун кўз ўнгимизда чиroy очиб турган салобатли ўқув масканларининг аҳамиятини, фарқини жуда яхши хис қиладилар.

Дарҳақиқат, ҳур дйёримизда ёшларимиз таълим-тарбиясига катта куч ва маблағ сарф этиляпти. Натияжада мустақил

тараққиётимизнинг қисқа даврида улкан марраларга эришилди. Юртимиздаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари Италия, Латвия, Жанубий Корея, Польша ва бошқа бир қатор давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда голибликни қўлга киритгани ҳам юқоридаги фикримизга исботдир.

Агар буни рақамлар ёрдамида таққосласак, йилдан-йилга ўсиш суръатини кузатишимиз мумкин. Айтайлик, 2008 йилда мусиқа йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларимизнинг 31 нафари нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақият қозонган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич қарийб 4 баробар ошди.

Автомат ташқари, фарзандларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида эришаётган натижалари ҳам таҳсинга лойиқ. Жумладан, Корея Республикасининг Тэжон шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган халқаро математика мусобақасида мамлакатимиз вакиллари жамоавий ҳамда яхка тартибдаги бахсларда иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Албатта, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнаомлигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохларнинг ёрқин натижасидир. Зеро, фарзандларимизнинг бахту камоли ҳар доим давлатимиз раҳбарининг диққат марказида турибди. Шу маънода, ёшлар, хусусан, вояга етмагачларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, меҳнатини муҳофаза этиш каби масалалар ҳам доимий эътиборда. Чунончи, Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таълим-тарбия соҳасидаги навбатдаги вазифалар белгилаб берилди. Бу вазифалар барчамизга катта масъулият юклайди, куч-гайрат, азму шижоат бахш этади.

Яратувчанлик, бунёдкорлик, янгиланишга интилиш халқимизга хос эзгу фазилатлардир. Келажакка бўлган ишонч ва олам-олам орзулар билан юксак марралар сари дадил оидимлаётган юртимизга бугун ҳам улкан бунёдкорлик, қурилиш, ободонаштириш ишлари авжида. Тўйга тўёна, деган халқимизнинг ибратли ибораси дастуриламалга айланиб, ҳар бир байрам арафасида янги бинолар, кўчалар, кўприқлар фойдаланишга топирилай, жамиятдаги улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлишга одатланганмиз.

Кенг ва равоон кўчалар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшади

Бу йил истиқлолнинг 25 йиллигини катта шодийналар билан нишонлаймиз. Халқимизнинг энг улғу, энг азиз байрамини муносиб қарши олиш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ғўшасида кизгин тайёргарлик қурилмоқда. Айни жараён Самарқанд шаҳрида ҳам уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Бугун шаҳримиз улкан қурилиш, бунёдкорлик ишлари тўғрисида қўлай чиroy очиб, яшариб бормоқда. Бу борадаги ишларни халқимизга батафсил етказиш, уларни амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништириш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан «Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари: Рўдакий кўчаси мисолида» мавзусида пресс-тур ташкил этилди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва соҳага алоқадор мутасаддилар иштирок этиди.

Дастлаб шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида шаҳар ҳокими Акбар Шўкуров иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Ҳоким шаҳарда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Айтиб ўтилдики, мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантаналари арафасида шаҳримиздаги 15 та кўчада қурилиш-таъмирлаш ишлари яқунланади. Йил охиригача эса 25 та кўча таъмири ниҳоясига етказилади. Бу юмушларни амалга ошириш учун тадбиркорлар, ҳомиёлар маблағларидан ташқари, давлат бюджетидан 8,5 млрд сўм маблағ ажратилган.

Иштирокчилар шаҳарда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳалари билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Шундан сўнг иштирокчилар Рўдакий кўчасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишди. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири бўлган Рўдакий

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huuq»

кўчаси қисқа фурсат ичида таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. Умумий узунлиги 4,8 километри ташкил этувчи кўчада янги лойиҳа бўйича йўл ҳаракати икки томонлама бўлиб, жами олти қаторда автоматбиллар ҳаракатланади.

— Илгари кўчанинг 2 минг 500 квадрат метр қисми майсазор эди. Лойиҳага кўра энди унинг 16 минг квадрат метри майсазор, гулзор бўлади, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Уткир Абдуллаев. — Манзарали даракхтор сони 120 тадан 1 минг 200 тага етказилади. Шунингдек, кўчада замонавий бекат ва автомобиль сақлаш жойлари, 12 та кўп қаватли турар жой биноси, иккита тиббий диагностика маркази, иккита автосалон ҳамда учта фаввора қурилиш давом этмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари Рўдакий кўчасида олиб борилаётган қурилиш ишларини бевосита кузатиб, бунёд этилаётган биноларда яратиладиган шароитлар, хизматлар билан танишишди.

Икки томонда ҳам кўзни қувнатадиган, Фарб ва Шарқ архитектураси уйғунлашган кўп қаватли турар жой бинолари, маийшй хизмат шохобчалари барпо этилмоқда. Биргина савдо ва маийшй хизмат соҳасида олдин 14 та шохобча фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда улар сафига яна 60 та шохобча қўшилиди.

Рўдакий кўчасининг кенглиги шу пайтгача 20 метри ташкил қилган бўлса, замон талаблари асосида таъмирланган, унинг кенглиги 40 метрга етади. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки томонлама қатнов ўртаси темир панжаралар билан ажратилади.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари шаҳардаги Фирдавсий, Луғтий, Буюк ипак йўли кўчаларидаги бунёдкорлик ишлари билан ҳам яқиндан танишишди.


Миллий қадриятларимизни эъзозлайлик

|Давоми. Бошланиши 7-бетда|

Марказий Осиё халқлари минг йиллар давомида бир-бири билан яқиндан иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатган. Уларнинг турмуш шароитлари, тили, маданияти, дини, урф-одатлари бир-бирига яқин бўлиши кўплаб умум-минтақавий қадриятларнинг шаклланишига олиб келган. Меҳмондўстлик, болажонлик, яқин қўни-қўшничилик, қатталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндош-уруғлар, дўстлар билан яқин алоқада бўлиш, сахийлик, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш Урта Осиё халқларига хос бўлган маънавий фазилатлардир. Гарчанд меҳмондўстлик билан боғлиқ удумлар минтақамизнинг ҳамма ерида кенг тарқалган яхши аънаба бўлса-да, улар турли жойларда бир-биридан фарқ қилади. Кексаларни, ота-оналарни ҳурмат қилиш ҳам Марказий Осиё халқларининг ўзига

хос юксак маънавий бойлиги ҳисобланади.

Юртбошимиз томонидан 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» ва 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда ёши улғу ва мўтабар кишилар ҳурмат ва эътибордан четда қолдирилмаслигидан далолатдир. Бинобарин, кексалар кўпни кўрган, ақл ва идрок билан ҳар ишда маслаҳат бера оладиган, ёшларга катта тарбиявий таъсир кўрсата оладиган кишилардир. Кексаларни ҳурмат қилиш, улардан сабоқ олиш, ҳаёт тажрибасини ўрганиш маънавий камолот учун янги имкониятлар излашга ҳаракат қилишдир. Ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг гагига, панднасихатига қулоқ солиш ҳам катта маъ-



навий қадриятлар. Ота-она ҳеч вақт фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Улар ҳаётда кўплаб қийинчиликларни кўргани сабабли фарзандларининг истиқболини ҳам улардан кўра кўпроқ ўйлайдилар.

Маълумки, ота-онага бўлган ҳурмат

дунёдаги барча халқларда учрайди. Лекин бизнинг минтақамизда бу қадриятни эъзозлаш бошқа жойларга нисбатан устуноқ туради. Ҳашар йўли билан уй-жойлар қуришда, таъмирлашда бир-бирига ёрдам кўрсатиш, етима-есирларнинг, бева-бечораларнинг пешонасини силаш, меҳр-муруватли бўлиш, уларни қариндош-уруғлар ўз химоясига олиши ҳам минтақамиз халқларининг барчасига хос қадриятдир.

Шундай қилиб, қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажақда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этган моддий, маънавий бойликлар ҳисобланади. Шу нуқтага назардан, тарихий тажриба, аъналарнинг мерос бўлиб ўтиши — келажақ авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолиши лозим.

ҚАСОСКОРНИНГ

ҚИЛМИШИ

Рисолат ая (жабрланувчиларнинг исмлари ўзгартирилган) қизини Тошкентга жўнатди-ю, кўнгида уйғонган хавотир тарқалмади. Қизининг мунгли нигоҳи кўз ўнгидан кетмади. Бечора қизи баданидаги қуёви етказган жароҳатларни кўрсатганида, онаизорнинг юраги тилма-пора бўлди. Аммо нима ҳам қила оларди. Жоҳил қуёв "келасан", деб туриб олади. Қизини ажратиб олишга эса маҳалла-қўйдан номус қилди. Қуёвнига инсоф сўраб, жигаргўшасига омонлик тилашдан ўзга чора топа олмади...

Хар бир ота-она қизини турмушга узатар экан, унинг бахтли яшашини истайди. Қозим ака ҳам қизи Фаридани ана шундай ниятлар билан турмушга узатганди. Китоб туманининг Бештерак қишлоғида барча хавас қиладиган тўй бўлганди. Қуёв шу қишлоқлик йигит, у ҳаманин кўз ўнгиде катта бўлган. Отанасини, авлод-аждодини яхши билишди. Гарчи аёли бу тўйга рўйхушлик бермаган бўлса-да, шундай ота-онанин фарзанди қизини хафа қилиб қўймас, деган ниетда рози бўлганди Қозим ака.

Афсуслик, одам олasi ичида бўларкан. Абдумалик Қозим ака орзу қилгандек қуёв бўлиб чиқмади. Тўйдан кўп ўтмай, ҳеч бир сабабсиз Фаридани урадиган, турли баҳоналар билан зуғум ўтказадиган бўлди. Катталар эса уларнинг аста-секин бир-бирига кўнаниб кетишидан умидвор бўлишди. Аммо умидлар кун сайн саробга айлана бошлади. Фарида тақдирига битилган бу қисматга кўниб яшашга мажбур эди. Шу сабабли уйдагиларга эрининг зуғумлари ҳақида билдиришни истамасди. Мехр-шафқат, одамиликдан йироқ бўлган қуёвнинг жоҳиллиги эса кун сайн ортиб борарди.

Абдумалик пойтахтдан ижарага уй олиб, Фаридани ҳам ўзи билан олиб кетди. Тошкентга келгач, Фариданин кунни кун бўлмай қолди. Абдумалик гоҳ асоссиз рашк қилиб, гоҳида фарзандсизлигини баҳона қилиб, Фаридани аёвсиз калтаклайдиган бўлди. Бир сафар бўйнига пичоқ тираб "Сен бошқалар билан юрасан, сени ўлдираман", дея унга тан жароҳати ҳам етказди. Фарида поклиги ҳақида қасам ичди. Аммо эри буни эшитишни истамасди. Уни ўласи қилиб тепкилади. Бечора аёл шунда ҳам ламини ичига ютди. Абдумалик хотинидаги бу итоатни бошқача тушунди. Унга қулдек муомалада бўлди.


...Фарида онаси билан хайрлашиб, ҳали оғриқ тарк этмаган елкаларини силди. Нигоҳларини олисларга қадади. Машина салонига муҳаббат ҳақидаги қўшиқни эшитиб, саробга айланган орзулари ҳақида ўйлади, киприкларига ёш қалқиб чиқди. Эрининг қархли нигоҳларини кўз олдига келтирди-ю, кўнглини яна гашлик эгаллади. Аслида эрининг ёнига боришни истамеганди. Аммо Абдумалик қўнғироқ қилиб, ҳақоратли сўзлар ёғдирди. Келмаса, уни фоҳишага чиқаришини, бошқа хотиним демаслигини айтди. Аёл учун бундан оғири бўлмаса керак! Ўйбосиз айбдорга айланганини истамай, Фарида ноилжой йўлга чиқди. Чикди-ю, кейин бу қароридан пушаймон бўлди. Борган заҳоти яна калтакланишини ичидан сезиб турарди.

Фариданин хавотирини бежиз эмасди. Абдумалик бу сафар уни уй қамоғига маҳкум этди. Ҳеч ким билан гаплаштирамай, кўчага ҳам чиқармай қўйди. Тўрт девор орасида қолган аёл учун ҳаёт ўз қадрини йўқота бошлади. 2015

йилнинг 17 ноябрь куни Абдумалик эшикни кулфлаб, кўчага чиқиб кетгач, Фарида деразадан ташқарига қаради. Яшагиси келмади. Жонига қасд қилмоқчи бўлди. Қўлига қоғоз олиб, дасига хат ёзди. "Мени кечиринглар, сизларга муносиб қиз бўла олмадим...". Хатни ёзиб тугатмасданок эшик кулфининг шиқирлаган овози эшитилди. Абдумалик уйга кириб, унга қишлоққа кетиши кераклигини айтди. Бу гапдан Фариданин кўнгида умид чироғи ёнгандек бўлди. Бу сўнги имконият эди. Жоҳил кимсанин ёнига бошқа қайтмасликка аҳд қилиб, гўё қушдек учиб, ота уйига келди. Ота-онасига бошидан кезирган ҳамма гапларни бирма-бир айтиб берди. Қозим ака қизининг гапларини эшитаркан, беихтиёр кўллари мушт бўлиб тугилди.

Афсуслик, Фарида адашганди. Эри ундан осонгина воз кечадиганлардан эмасди. Абдумалик Фариданин қароридан хабар толгач, тинчини йўқотди. Унингдек итоаткор бошқа аёл тополмаслигини яхши биларди. Телевизорда фильмлар кўриб тураркан, ўзини ўша фильмлар қахрамонлари ўрнига қўйиб кўрарди. Шундай пайтларда фильм қахрамонларининг сўзларини ёзиб олиб, хотинига СМС тарзида жўната бошлади. Мана ўша СМСлардан баъзилари.

"Бундан кейин мақсадга эришиш йўлида ҳар нарса бўлиши мумкин, жуда ажойибда тақдир ўйинлари. Мен ва сизлар жуда катта жангга киришамиз, бу жангга ё қахрамон бўламан ёки ўламан, чунки ўлсам ҳам ор-номусим учун курашиб ўламан, ундан олдин мендан воз кечгандан, менинг ҳаётимга аралашганлардан, менин ҳаётимни бузганлардан, ҳаёт чархпалак, вақти келиб қасдмини қон билан оламан..." "Мен бу қасосни



қиематга қолдирмайман, сенинг ҳурматинг жим юргандим, энди бунақа бўлмайди, жим юриш жонимга теғди, юрагимда бир нарса — фақат қасос, оилангдан қасосимни оламан", "...Бурининг боласиям кейн ёшгача сут билан озикланам, кейин ўлдирмасдан туролмайди, сенларни ҳаммангни бир кечад тинчитаман..."

Пойнтар-сойнтар келаётган бу СМСлардан Фариданин ҳаловати йўқолди. Туллари ухламай, тиқ этган товушга чўчиб тушадиган бўлиб қолди. Қизининг камгап, паршон бўлиб бо-раётганидан Рисолат аянинг юраги эзилар, Абдумалик эса таҳдид қилишда давом этарди.

2015 йил 27 июнь. Абдумалик отасини эргаштириб, хотинини олиб кетиш учун қайнотасининг уйига келди. Қозим ака қуёвини кўриб, уни совуқ қарши олди. Жаҳли қикса-да, аммо қудасининг олдида ўзини босди. Абдумалик ака ўглининг номидан қудаларидан узр сўради. Ешларни яраштиради, оилани тикламоқчилигини билдирди. Қозим ака зимдан Абдумаликка назар ташлади. Қаравот бурчагида без

Баҳодир ЭРКАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

бўлиб турган қуёвнинг нигоҳларида заррача пушаймонликни сезмади. Ақсинча, унинг ёвуз қарашларидан қизига яна кун бермаслигини ҳис этди.

Абдумалик бу ерга келаётганида қайнотам кўрқанидан бўлса ҳам қизини бериб юборади, деб ўйлаганди. Бироқ Қозим ака кескин рад жавобини берди. Қизи ортиқ у билан бирга яшамаслигини билдирди. Ноилжой ортага қайтган Абдумалик отаси билан хайрлашиб, пойтахтга кетиш учун бекагга келди. Фарида у билан Тошкентга қайтмагани каттиқ алам қилди. Бекаг қизинидаги ошхонага кириб, икки шиша ароқни бўшатди. Маст бўлгач, миёсида қайнотасини ўлдириш фикри чарх ура бошлади. Агар қайнотаси қарши бўлмаганида, хотинини олиб қайтадигандек туолаверди.

Абдумалик ошхонадан чиққанида тун яримлаб қолганди. Гандирақлаганча қайнотасининг уйи томон йўл олди. Дарвоза ёпиқ бўлганлиги учун девордан ошиб, ҳовлига тушди. Бу вақтда Қозим ака уйкуга кетган, қуёвнинг қайтиб келишидан беҳабар эди. Абдумалик ўзи билан олиб келган йирма пичоқни ўйнаб, қайнотасини бироз кузатди. Кейин эса уйғониб қолмасидан тинчтиши учун унга яқинлашди. Бироқ дарвоза тақиллаб қолиб, ишининг белига тенди.

Қозим ака ярим тунда дарвозанин тақиллашдан уйғониб кетди. Очганида эса қудаси Абдурашид акани кўрди. Абдумалик билан хайрлашгач, Абдурашид аканин кўнгида гулгула тушган эди. Ўглининг тинчгина қайтмаслигини кўнгли сезиб, қудасининг уйига келди. Дарвозага яқинлашаркан, девордан ошиб тушган шарпани кўрди. Бу ўғли эканлигига шубҳаланмади. Кўнгилсизликининг олдини олиш мақсадида дарвозани тақиллатганди.

— Бу ерда нима қиялпсан? — сўради Абдурашид ака қаравотга суяниб турган Абдумаликка.

— Бекор ҳалақит бердингиз-да! Буларни ўлдириб, қонини ичмоқчи эдим... — Абдумалик шундай дея Қозим ака томон яқинлашди. Кейин қутилмаганда ерда ётган гишт бўлагини олиб, қайнотасига олди. Ҳовлидаги шовқин-сурондан уйдагилар уйғониб, ташқарига чиқдиши. Фарида қўлида пичоқ билан турган эрини кўрди. Қутуриб кетган Абдумалик қайнотасининг ёқасига чанг солиб, қўлидаги пичоқни унинг бошига санчди. Кейин эса дуч келган жойига ура бошлади. Абдурашид ака ўглининг бунчаликка боришини кутмаганди. Унга қаршилик қилмоқчи бўлди, кучи етмади. Қозим ака қорнини ушлаганча ерга йиқилди. Абдумалик уни ўлди деб ўйлаб, ҳовлини тарк этди.

Бақир-чақирини эшитиб, бир зумда қўшнилари йиғилишди. Қозим акани эздилик билан шифохонага етказишди. Олиб борилган текор муолажалар туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Абдумалик эса тезда қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди томонидан Абдумалик Хўшमतовага 12 йил-у 6 ой мuddат озолиқдан маҳкум қилиш жазоси тайинланди.

Аёлини аёл ўрнида кўрмаган, меҳр-шафқатдан йироқ бўлган бу кимса энди узоқ мuddат қилишлари оқибатини ўйлаб кўришга тўғри келади.

Ҳозирги пайтада компьютер технологиялари ривожланиб боргани сари ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг янги турлари ҳам пайдо бўлмоқда. Хусусан, компьютердан фойдаланган ҳолда қалбаки муҳрларни тайёрлаш, ҳужжатларни монтаж йўли билан қалбакилаштириш, уларнинг бирламчи мазмунига компьютер орқали қўшиб ёзиш, тоза қоғозга қўйилган муҳр ва имзолан фойдаланиб қалбаки ҳужжат тайёрлаш, имзоларни сканер орқали оққа кўчириш, қўлбола дипломлар, ҳайдовчилик ва хизмат гувоҳномалари, сертификатлар, акциз марказлари ва пуллари қалбакилаштириш ва ҳоказо.

Қалбаки ҳужжат билан...

Абдусайд АБДУРАЗОҚОВ,
Юнусобод туман прокуратураси терговчиси

Фуқаро Фарҳод Маннонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам мана шундай қалбакилаштириш ортидан жавобгарликка тортилди. Аслида бу шахс эл ҳурматида бўлган, оқу қорани таниган, боз устига, қонун-қонидан яхши биладиган, олиё маълумотли ҳуқуқшунос. Афсуслик, у нафсини жиловлаш олмади. Натихада жиноят қўчасига кириб, суднинг қора курсисидан жой олди.

Фарҳоднинг дўсти Икром Холиқов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ишларди. Дўстининг хизмат гувоҳномасига кўзи тушган Ф.Манноновнинг фикри дарҳол ўзгарди. Машинасидан тушиб, дўконга кириб кетган И.Холиқовнинг гувоҳномаси автомобиль ичида қолди. Бу ҳолатдан устамонлик билан фойдаланган Фарҳод дарҳол дўстининг ҳужжатини уяли телефонида суратга туширди. Кейин ундан нусха олиб, ўзининг суратини қўйди ва сохта гувоҳнома ясаб олди. Ушбу сохта ҳужжат эса Ф.Манноновга гаразли мақсадларини амалга оширишда қўл келди.

Ўзини ҳуқуқ-тартибот ходими, деб таништирган Фарҳод тўғри "Асака банк" Наманган вилоят филиали бошқарувчисининг ўринбосари олдига кириб борди. Унга сохта гувоҳнома кўрсатиб, тезда 4 минг АҚШ долларини тўлов пластик карточкага тушириб беришини талаб қилди. Валюта олиш учун навабга туриш кераклигини тушунтирган банк ходимига дўқ-пўписа қилиб, охири мақсадига эришади. У ота-онасининг номига халқаро пластик карточка очтириб, 4 минг АҚШ долларини туширтириб олди.

Биринчи найранги силлиққина амалга ошган Фарҳод кўп ўтмай, "Миллий банк"нинг Наманган филиалига "ташриф" буюради. Бу сафар ҳам аввалги усул билан 2 минг АҚШ долларини қўлга киритади. Наавбатсиз қўлга киритилаётган валюта қимматликларида Ф.Манноновнинг нафси ҳақалак ота бошлайди. У орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан яна "Асака банк" филиалига келади ва бу сафар 6 минг АҚШ долларини пластик карточкага тушириб олишга эришади. Шу йўл билан Ф.Маннонов "Ўзсанотқурилишбанк"нинг Наманган филиалидан ҳам 14 минг АҚШ долларининг фирбарлик йўли билан пластик карточкага тушириб олади.

Ҳар қандай ноқонуний ишнинг ниҳояси ҳам бўлади. Ф.Маннонов ушбу банкка келиб яна ўз найрангини ишга солаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди Ф.Манноновга нисбатан ўз ҳукмини эълон қилди.



Наркосавдогарга ҳукм ўқилди

Колумбиянинг йирик гиёҳванд моддалар савдогари, "ақлсиз" лақаби Даниэль Баррера АҚШ суди томонидан 35 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилди. Бундан ташқари, у 10 млн. АҚШ доллари жарима ҳам тўлаши керак, дея хабар бермоқда хорж оммавий ахборот воситалари.

48 ёшли Д.Баррера АҚШ ва бошқа давлатларга 72 тонна гиёҳванд модда — кокаинни ўтказганликда айбдор деб топилган. Прокурор хулосасига кўра, колумбиялик жиноятчи жуда катта худудни гиёҳванд моддалар билан таъминлаб турган. Судья наркосавдогарга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олишни рад этиб, энг юқори жазо чорасини қўлаганини эълон қилган.

Баррера 2012 йили Венесуэлада ушланиб, 2013 йили АҚШга топширилган эди. Хабарларга кўра, Д.Баррера ҳибсга олинган-дан бир йилдан сўнг ўз айбига иқдор бўлган. Аммо суд маҳкамаси буни инобатга олмаган.



Сатоси Уэмацу Япониянинг Сагамихара шаҳридаги ногиронлар учун мўлжалланган "Цукуидаги лилиялар боғи" пансионатда даволанувчиларга пичоқ билан ҳужум қилган.

Охири маълумотларга кўра, ҳужум оқибатида 19 киши ҳалок бўлган, 26 киши оғир, 6 киши енгил тан жароҳатлари олган. Жиноятчининг ҳужуми натижасида пансионатда даволанаётганларнинг деярли учдан бири ҳалок бўлган ва жароҳатланган. Пансионатда 18 ёшдан 75 ёшгача бўлган 149 нафар ногирон узоқ муддатли даволаш ва реабилитация курсидан ўтаётган эди.

С.Уэмацу пансионатнинг собиқ ходими бўлиб, у ерда 2012 йилдан 2016 йилнинг февралигача ишлаган. Босқинчи ўзини полицияга топширган. У нима сабабдан мазкур қотилликка қўл урганига ҳанузгача изоҳ бермаган.


Қалбаки маҳсулот учун 10 минг киши айбланди

Хитойда 2016 йилнинг биринчи ярмида қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоқадор бўлган 10 минг нафар фуқарога айблов қўйилди, дея хабар бермоқда оммавий ахборот воситалари.

Хабарда келтирилишича, полиция умумий ҳисобда қалбаки дори-дармонлар, қурилиш материаллари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, ўйинчоқлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича 64 мингта ишни тергов қилган.

Таъкидланишича, жиноятчилар техник томондан тобора эҳтиёткор бўлиб бормоқдалар. Ҳукумат интернетда сотилаётган маҳсулотлар назоратини кучайтиришга ҳамда қалбаки маҳсулотларнинг мамлакат ташқарисига экспорт қилинишининг олдини олишга қаратилган махсус тадбирларни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, ҳукумат оммавий ва хусусий компанияларда дастурий таъминотларнинг мунтазам текширувини ўтказмоқчи.




Ичимлик суви заҳарланган

Американинг Колорадо штати Хьюго шаҳридаги ичимлик сувидан психотроп таъсирга эга тетрагидроканнабинол моддаси топилган.

Ҳозирча тармоқдаги сувнинг заҳарланиши қасддан амалга оширилгани, йўқми номаълум. Бироқ, шахарни ичимлик суви билан таъминловчи бешта асосий қудуқдан бирига ташқи таъсир кўрсатилгани аниқланган. Мазкур ичимлик суви тармоғи ёпиб қўйилган. Шаҳар аҳолиси сувни истеъмол қилмаслик, таом ҳозирлашда қўлланмаслик бўйича огоҳлантирилган.

Таъкидлашларича, ушбу модда инсонга ўзини тўтишда, машина бошқарувида салбий таъсир этиб, руҳий тушқунликка олиб келиши мумкин.




Чўпонлар меҳнати енгиллашади

Сидней университети олимлари дунёдаги биринчи чўпон-робот синовини ўтказаяпти, дея хабар қилмоқда "New Scientist" нашри.

"SwagBot" деб номланган тўрт гилдиракли машина синови ўтган ойда бошланган эди. Робот чўпон қўй, қорамол ва от тўдаларини бир жойга тўплай олади. Одам ўта олмайдиган жойлардан бемалол юра олади. Қия яйлов кенгликлариде эркин ҳаракатланиб, оғир юкларни ҳам манзилга еткази олади. Бундан ташқари, "SwagBot" чорва подасини боқиш учун муносиб жой танлай олади. Яъни роботга майдондаги майсаларнинг калинлигини аниқлайдиган мосламалар ўрнатилган.

Эндилликда олимлар робот-чўпонга чорва молларининг тана ҳароратини ўлчай оладиган ва уларнинг орасидан касалланганларини аниқлай оладиган қурилмаларни ўрнатишни режалаштиришмоқда.



«Audi» электрокарлар учун маблағ ажратади

Германиянинг "Audi" компанияси тадқиқот ва ишланмалар учун тақсимлаган бюджетининг учдан бир қисмини электромобиллар, рақамли хизматлар ва машиналарни муқобил бошқариш тизимлари соҳасига йўналтиради.

Оммавий ахборот воситаларининг қайд этишича, немис автокомпанияси 2025 йилга келиб, сотилган автомобилларининг чорак қисми электромобилларга тўғри келишини хохламоқда.

Аввал хабар берилганидек, "Audi" 2018 йилдан бошлаб ҳар йили ҳўжалик электр тармоғидан қувватланадиган биттадан электромобиль ёки гибрид машина тақдим этишни режалаштирган.

2015 йилнинг сентябрь ойида Франкфуртда намоиш этилган электр қувват билан ҳаракатланадиган йўлтанамас 435 от кучига эга. У соатига 100 км. тезликда ҳаракатлана олади. Унинг батареяси қуввати 500 км.га етади.


Панамада грипп авжига чиқди

Панамада А гриппининг (H1N1) тарқалиши оқибатида ҳалок бўлган инсонлар сони 60 нафарга етди. Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилган.

Унинг маълумотларига кўра, ўлим ҳолатларининг 90 фоизи касалхоналарда узоқ ётиб даволанган беморларда қайд этилган.

Айни вақтда 3 минг нафар киши ушбу хасталикка чалиниб, касалхонага жойлаштирилган. Апрель ойдан ҳозирги даврга қадар аҳолиси 4 млн. киши бўлган Панамада 1 млн. 905 минг киши мазкур гриппга чалинди.

Ҳукумат ўз фуқароларига эҳтиёт чораларини кўришни тавсия қилмоқда ва уларга гриппга қарши бепул вакцина тарқатмоқда.



Қуввати юз кунга етади

Кучли аккумуляторга эга бўлган "Philips Xenium X1560" телефони сотувга чиқарилади. Бир қувватлантирилганда бу телефон 100 кун мабайнида бемалол ишлай олади. Сўхбатлашганда эса унинг электр қуввати 40 соатгача етади.

"Xenium X1560 2900mAh" аккумуляторга эга бўлган бу телефондан USB-порт орқали бошқа смартфонларни ҳам қувватлантириш мумкин.

Иккита SIM-картадан фойдаланиш имконини берадиган телефонда microSD хотираси картаси учун слот ҳамда FM-радио тинглаш имкони мавжуд.

"Philips Xenium X1560" телефони фақатгина кўнгиракларни амалга оширишда фойдаланадиганлар учун қўл келади. Сабаби у фотокамера ҳамда 3G алоқага эга эмас.



Марказга медиа тур уюштирилди

Давлат божхона қўмитаси томонидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Миллий кинология марказига медиа тур ташкил этилди. Мазкур тадбирда ташкилотчилар томонидан божхона органлари фаолиятида кинология хизматининг тутган ўрни, соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар юзасидан ба-тафсил ахборот бериб ўтилди.

Медиа турда сўзга чиққан маърузачилар Марказий Осиёда ягона бўлган Миллий кинология марказининг ўтган 20 йил мобайнида нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида инспектор-кинолог ва хизмат итларини тайёрловчи таянч ўқув марказига айланганлигини эътироф этишди.

Миллий кинология марказига саёҳат давомида медиа тур иштирокчилари марказининг асосий негизи ўқув-услубий ва таҳлил, хизмат итлари билан машқ ўтказиш бўлиmlари ҳамда ветеринария хизмати фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Хозирда марказда республикамизнинг божхона чегаралари орқали валюта қимматликлари ноқонуний ҳаракатланишининг олдини олиш мақсадида марказ мутахассислари томонидан алоҳида ишлаб чиқилган методик қўлланма асосида янги "Валюта қимматликларини қидириш" йўналиши бўйича ҳам кинолог ва хизмат итларини тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, марказда махсус курсларни ўташ учун барча шарт-шароитга эга бўлган компьютер синфи, ҳар бир йўналишдан келиб чиқиб, махсус жиҳозланган ўқув хоналари, аэрокомплекс иммитация хонаси ва кинология соҳасига оид ўқув адабиётлар билан

таъминланган илмий оммабоп махсус кутубхона ҳам ўрин олган. Амалий машғулотлар ўтказиш учун марказда дала шароитини тўлатқис ўзида акс эттирувчи машқ майдонлари, мураккаб жиҳозлар билан таъминланган ўқув-услубий хоналар кинологлар ихтиёрига топширилган.

Кинологлар ўз хизматлари давомида дуч келиши мумкин бўлган барча ҳолатлар бўйича кўникма ҳосил қилишлари учун божхона блок пости, ер, сув ва ҳаво транспортлари, темир йўл, аэрокомплекс, иммитацион масканлари, йўл контейнерлари марказдаги амалиёт худудидан жой олган. Бундан ташқари, махсус анжомлар билан жиҳозланган машқ ўргатув майдончаси, иқлим ва ландшафт шароитларини ўзида акс эттирган.

Шу билан бирга, хизмат итларини сақлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, ветеринария тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш мақсадида халқаро тажриба ва стандартларга мувофиқ божхона органлари ҳисобидagi хизмат итларига электрон идентификацияловчи микрочиплар ўрнатилиб, ундаги маълумотлар "Кинология хизмати" ахборот тизимига киритилган. Европа Иттифоқи ва дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатларида қўлланилаётган ушбу усул нафақат ҳайвонлар алмаштириб қўйилишининг олдини олади, балки уларни ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштиради.

Таъкидлаш жоизки, 2008 йилда Миллий кинология марказининг фаолияти Жаҳон божхона ташкилоти томонидан юқори баҳоланиб, Минтақавий кинология маркази мақоми берилган эди.

Ўз муҳбиримиз

Халқимиз, хусусан, ёш авлод қалбида она-Ватанга меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат туйғусини камол топтириш, юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини уйғотиш учун мазмунан бой, бадиий жиҳатдан етук қўшиқлар яратишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ягонасан, муқаддас Ватан!

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Жумладан, мана шу муқаддас аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови ватанпарварлик ҳақидаги янги қўшиқларнинг яратилишида, янги номлар кашф этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир неча йиллардан буён ушбу кўрик-танлов ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она-юртни мадҳ этувчи юксак бадиий савиядаги қўшиқлар яратилишини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вазирлик тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Бу йилги кўрик-танлов ҳам ҳар йилгидек юқори савияда ўтди. Унинг барча босқичда иштирок этган икки юздан ортиқ ижодкор жаннатмонанд диёримизнинг кўрку тароватини, тинчликнинг қадрини, миллий қадриятларимиз, бебаҳо маънавий меросимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни тараннум этди. Уларнинг ижросини баҳолашда қўшиқ матни ва куйининг ўзаро уйғунлиги, хонанданинг ижро маҳорати каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватан ҳақидаги янги шеърларга басталанган янги куйлар оҳангига янграган қўшиқлар ижрочилари маҳоратда бир-бирларидан кам эмаслигини намойиш этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Фолиблар Ички ишлар вазирлигининг 1-2-3 даражали дипломлари ва вазирликнинг эсдалик совгалари билан мукофотландилар.

Хусусан, кўрик-танловда Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси кўриқлаш бўлими милиция отряди командирининг ўринбосари М.Матсаев биринчи ўринга лойиқ топилди. Танлов ғолиби "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этади.

Реклама



AGROBANK

Fitch Ratings

халқаро рейтинг
агентлиги 2016 йил 22 июлда

«Агробанк»

акциядорлик тижорат банкининг
халқаро рейтингини

«Барқарор»

деб баҳолади

Марказий Осиё Футбол Ассоциациясининг илк турнири



CAFA


Кўпчилик футбол мухлисларининг хабари бор, ўтган йили Марказий Осиё Футбол Ассоциацияси ташкил этилган эди. Мазкур Ассоциация шу йилнинг 6-9 август кунлари Тошкентда 19 ёшгача бўлган футболчилардан ташкил топган терма жамоалар ўртасида "CAFA CUP" (Central Asia Football Association - Марказий Осиё Футбол Ассоциацияси кубоги) номи турнир ташкил этилган бўлади.

Ушбу мусобақада минтақага аъзо олти мамлакат — Ўзбекистон, Афғонистон, Қирғизистон, Эрон, Тожикистон ҳамда Туркменистоннинг ёшлар терма жамоалари иштирок этиши кўзда тутилган.

Мусобақа 6 август кунини старт олади. Ўйинлар "Жар" ҳамда "Пахтакор" стадионларида бўлиб ўтади.

Таъкидлаш кераки, мазкур турнир қароргоҳи Тошкентда жойлашган Марказий Осиё Футбол Ассоциацияси томонидан ташкил этилаётган илк мусобақададир.

"А" гуруҳи: Афғонистон, Ўзбекистон, Қирғизистон
"В" гуруҳи: Эрон, Тожикистон, Туркменистон



Янузай «Сандерленд»га ўтиши мумкин

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ярим ҳимоячиси Аднан Янузай фаолиятини "Сандерленд" жамоасида давом эттириши мумкин.

Футболчининг хизматлари "Сандерленд" клубига бош мураббий этиб тайинланган Дэвид Мойес шахсан қизиқмоқда. Хабарингиз бор, футболчи ва мураббий Манчестерда бирга ишлашган.

Эслатиб ўтамиз, Янузайнинг шартномаси 2018 йилгача тузилган, унинг шартномаси 7 миллион евро атрофида баҳоланмоқда.



Вальбуэна жамоасини ўзгартирмоқчи

Франциянинг "Лион" клуби ярим ҳимоячиси Матьё Вальбуэна муваффақиятга эришиш учун жамоасини ўзгартирмоқчи.

Маълум бўлишича, Туркиянинг "Бешикташ" клуби 31 ёшли футболчини бир мавсумга ижарага олмақчи, келгуси йил эса трансферини бутунлай сотиб олишни режалаштирмоқда. Музокара жараёни бошлаб юборилган.

Таъкидлаш кераки, Вальбуэна 2015 йили Москванинг "Динамо" жамоасидан "Лион" клубига кўчиб ўтган эди. Матьё мавсумда Франция чемпионатида 26 та учрашув ўтказиб, 1 та голга муаллифлик қилган.

Игуаиннинг трансфери 90 млн. евроми?

Айни дамда Италия футболда Гонсало Игуаин билан боғлиқ хабарлар тез-тез тилга олинмоқда. Сабаби "Наполи" клубининг аргентиналик ҳужумчиси "Ювентус" жамоасига ўтишга яқин турибди. La Gazzetta dello Sport хабарига кўра, турунликлар аргентиналик ҳужумчи учун 90 миллион евро тўлашга тайёр.

Игуаиннинг товон пули 90 миллион евро қилиб белгиланган, бу суммани икки йил давомида траншлар билан тўлаш мумкин.



«Вест Хэм» Манжукич билан қизиқмоқда


Италиянинг "Ювентус" клуби ҳужумчиси Марио Манжукич "Вест Хэм" клубига ўтиши мумкин. 30 ёшли хорватиялик футболчининг хизматлари бош мураббий Славен Билч қизиқмоқда.

"Наполи" клуби ҳужумчиси Гонсало Игуаин "Ювентус"га келса, Манжукич асосий таркибга камроқ туша бошлайди. "Вест Хэм" ана шу ҳолатдан фойдаланиб қолмоқчи.



Интернет хабарлари асосида Максудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Пора таклиф қилгани учун



FIFA

Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА Экваториал Гвинея футбол ассоциацияси вице-президенти Густаво Ндонга Эдуни икки йилга четлатди.

Сабаби у Экваториал Гвинея ва Мали аёллар терма жамоалари ўртасидаги учрашув расмий вакиллари пул таклиф қилганлиқда айбланди.

Хабарда айтилишича, ФИФА келишилган ўйинларга қарши барча чораларни кўради.



Бекхэм «Реал»га қайтмоқда

Англия терма жамоасининг собиқ сардори, "Манчестер Юнайтед", "Реал" ва "ПСЖ" каби номдор жамоаларда тўп сурган Дэвид Бекхэм "Қироллик клуби"га қайтиши ва у ерда маъмурий лавозимлардан бирини эгаллаши мумкин.

The Sun нашрининг хабарларига кўра, "Реал" клуби раҳбарияти собиқ футболчисига жамоа элчиси бўлишни таклиф қилмоқда. Унинг вазифаси турли маросим ва кечаларда мадридликларнинг вакили сифатида иштирок этишдан иборат.

Эслатиб ўтамиз, Дэвид Бекхэм 2003-2007 йиллар давомида Мадриднинг "Реал" клуби шарафини ҳимоя қилганди. Мадридликлар сафида у 155 та ўйин ўтказиб, 20 мартаба рақиблар дарвозасини ишғол қилган.

Ҳуқуқ

yuridik gazeta
Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning poyshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma s-6591. 38 979 nusxada bosildi. O'qo'g' bichimi A-3, hajmi 3 bosma tobuq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: G'ALIMOV Sahifalovchi: S.BABAJANOV Navbatchi: O'DENOHONOV Bosmaxonaga topshirish vanti: 22.00. Topshirildi: 20.10 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

